

84(5.1)6

**Нур Бобо**

**ЁҚУТ  
ЮЛДУЗЛАР**



34(54)6


Нур Бобо

# ЁҚУТ ЮЛДУЗЛАР

(Шеърлар тўплами)

«Sano-standart» нашриёти

Тошкент, 2018



УЎК: 821.512.133(081)

КБК: 84(5Ў)6

Б 79

**Нур Бобо.**

**Ёкут юлдузлар / шеърлар** — Тошкент: “Sano-standart”, 2018. — 112 б.

*Шеърятнинг беназир бўстонида сайр этиши завқи ижод аҳлининг кўнглини тоғдек кўтаради. Оҳанграбодек кишини ўзига маҳлиё этувчи сеҳрли сўзлар замирида не сир синоат бор экан, дея ўйлайсан киши. Қашқадарёлик Нур Бобо қаламига мансуб бўлган сатрларда кўнгли оламининг беназир жавоҳирлари ёзилган.*

*Ватан иши билан йўғрилган сатрларда ижодкорнинг ширин орзулари қозоғга тушганини ҳис қиламиз. Ёзганларинг кимнингдир наздик қалбини илтишга йўл топса ижодкор учун шунинг ўзи катта бахт. Нима бўлганда ҳам шоир Нур Бобонинг «Ёкут юлдузлар» номли шеърый тўпламидан жой олган шеърларини ўқиганда беихтиёр она Ватаннинг бепаён даишу далалари кўз олдимизда жонланади шоир сатрларни тўқимайди балки борлиқ ўзининг ҳусну тароватини кўз-кўз этиб қозоғга қўйилади.*

Тақризчи:

**Ахтамкули**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Тонг юлдузи» газетаси бўлим муҳаррири, шоир

УЎК: 821.512.133(081)

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-5202-6-4

© “Sano-standart”, 2018 йил.

© Нур Бобо, 2018 йил

## ОҲАНГРАБО САТРЛАР СЕҲРИ

Шеърятнинг беназир бўстонида сайр этиш завқи ижод аҳлининг кўнглини тоғдек кўтаради. Оҳанграбодек кишини ўзига махлиё этувчи сеҳрли сўзлар замирида не сир синоат бор экан, дея ўйлайсан киши. Қашқадарёлик Нур Бобо қаламига мансуб бўлган сатрларда кўнгил оламининг беназир жавоҳирлари ёзилган. Шоир ўзининг «Ўзбекистоним» номли шеърда ёзади:

Бойчибор кишнаган қирларнинг ҳақи,  
 Балогардон бўлган пирларнинг ҳақи,  
 Дорони дод солиб йиғлатган Широқ,  
 Чингизни даф этган шерларнинг ҳақи,  
 Ёвга олов бўлиб сачраган коним,  
 О, менинг ой бўлган Ўзбекистоним...

Ватан ишқи билан йўғрилган сатрларда ижодкорнинг ширин орзулари қоғозга тушганини хис қиламиз. Ёзганларинг кимнингдир нозик қалбини илитишга йўл топса ижодкор учун шунинг ўзи катта бахт. Нима бўлганда ҳам шоир Нур Бобонинг «Ёкут юлдузлар» номли шеърый тўпламидан жой олган шеърларини ўқиганда беихтиёр она Ватаннинг бепаён дашту далалари кўз олдимизда жонланади шоир сатрларни тўқимамайди балки борлиқ ўзининг хусну таровагини кўз-кўз этиб қоғозга қўйилади. Ватанни жону дилидан ортиқ севиб, унинг тупроғини ардоқлаётган инсон киёфаси шеърларда намоён бўлади. Ўзининг «Лолазорга етаклай сени», «Қишлоғим» номли шеърый тўпламлари билан ўқувчи қалбидан жой олган шоирнинг янги шеърый тўплами ҳам албатта ўз ўқувчиларига манзур бўлишига ишонамиз.

**АХТАМҚУЛИ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
 «Тонг юлдузи» газетаси бўлим муҳаррири,  
 шоир

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Соғинсам, юракда хуморларим бор,  
 Лайлақлар ин қурган чинорларим бор,  
 Бу олам бўйнига тақилган мунчок,  
 Осмон ўпар улуғ минорларим бор.  
 Тилла тумор бўлиб тақилгай жоним,  
 Сенга эй, ой бўлган Ўзбекистоним.

Бойчибор кишнаган қирларинг хақи,  
 Балогардон бўлган пирларинг хақи,  
 Дорони дод солиб йиғлатган Широқ,  
 Чингизни даф этган шерларинг хақи,  
 Ёвга олов бўлиб сачраган қоним,  
 О, менинг ой бўлган Ўзбекистоним.

Оҳ урар гул босган шоҳ Бобур изи,  
 Осмонда ой эмас – Ойбарчин юзи,  
 Мавж сочар юлдузлар самода чақноқ,  
 Мирзо Улуғбекнинг чақнаган кўзи.  
 Тожим куёш бўлиб порлаган шоним,  
 О, менинг ой бўлган Ўзбекистоним.

Бирдамлик қўшиғин куйлаган элим,  
 Тупроқни кафтида, сийлаган элим.  
 Шарқда машғал бўлиб чарақлар чирок,  
 Завқланиб бахтидан куйлаган элим.  
 Боғларни пурзиё қилган дехқоним,  
 О, менинг ой бўлган Ўзбекистоним.

Истиқлол машғали порлаган диёр,  
 Жаҳонни бағрига чорлаган диёр,  
 Гавҳарни гуллатар бу олтин тупроқ,  
 Бу машғал мавжида қувончларим бор.  
 Ярқираб, яшнаган мовий маржоним,  
 О, менинг ой бўлган Ўзбекистоним.

## ШУКУР ҚИЛ

Бу дунёни Ўзи яратган Эгам,  
Ризку-рўзимизни яратган бекам,  
Борига шукур қил, бўлмагайсан кам,  
Ризку-рўзинг топиб юрганинг учун,  
Юрагинг соғ уриб тургани учун.

Бошинг омон бўлса, шудир зўр давлат,  
Қаддингни ғоз тутиб, тўкиб юр савлат,  
Оёк остингга бок, бўлсанг бадавлат.  
Шукур қил, сен даврон сурганинг учун.  
Юрагинг соғ уриб тургани учун.

Юракда армони бўлмас одам йўқ,  
Қиёмага қадар ўлмас одам йўқ,  
Бу сирли дунёда гоҳ очмиз, гоҳ тўқ.  
Шукур қил, саломат турганинг учун,  
Юрагинг соғ уриб тургани учун.

Дейдилар, бошга не келса, тилингдан,  
Қариликда қувват кетар белингдан,  
Ёвга ҳеч ён берма, кечма элингдан.  
Шукур қил, кўзларинг кўргани учун,  
Юрагинг соғ уриб тургани учун.

Умр деганлари беш кунлик бозор,  
Тўймаймиз тўкса ҳам тоғдай тилла-зар,  
Нур Бобо етар дил чекмаса озор,  
Шукур қил, соғ омон юрганинг учун,  
Юрагинг соғ уриб тургани учун.

## ЙИГИТНИНГ

Аслида пок иймон – кўнгил тумори,  
 Йигитга қанотдур вафоли ёри.  
 Қўзларида чакнаб туради ори,  
 Савлат, зар, тумори бўлур йигитнинг.

Тоғни урса талкон қилгудай кучи,  
 Шижоатга тўла эртаю кечи,  
 Мард йигитнинг ола бўлмайди ичи,  
 Белда куч-мадори бўлур йигитнинг.

Эъзоз айлаб юрар ота изидан,  
 Бошга қилич келса, қайтмас сўзидан,  
 Туфуриб тонмайди, еган тузидан.  
 Ифбат-у, рафтори бўлур йигитнинг.

Кафтга олиб юргай онажонини,  
 Ерга урмас обрў, шараф-шонини,  
 Пулга сотмас асло ўз виждонини,  
 Дилда номус-ори бўлур йигитнинг.

Ёлғон сўз ёт бўлур йигит зотига,  
 Учар қанот бўлур минган отига,  
 Бир умр ёмонлик келмас ёдига.  
 Содик дўст, дилдори бўлур йигитнинг.

Ҳар кимни дўст тутма, сирингни очма,  
 Ёмонга ёндашиб, яхшидан қочма,  
 Нур Бобо борингни беҳуда сочма.  
 Юртни қуйлар тори бўлур йигитнинг.

ОТА-ОНАНГНИ

Сен улардан бунёд бўлгансан, билсанг,  
Дилга гумор айла, ота-онангни.  
Пойларин бошингга тож қилиб кийдир,  
Кўзга хумор айла, ота-онангни.

Сен улар кўзларин гавҳаридурсан,  
Жигари, дилбанди, дур, заридурсан,  
Умрининг давоми ҳам боридурсан,  
Дуру, гавҳар айла, ота-онангни.

Онанинг оқ сути – жисмингда жонинг,  
Отанинг олқиши – иймонинг, шонинг,  
Олсанг дуоларин колмас армонинг.  
Изин гулзор айла, ота-онангни.

Ўтса тополмассан уларни излаб,  
Оҳ чекиб қолурсан ортидан бўзлаб,  
Не фойда ўлганда ош берсанг юзлаб,  
Борида зар айла, ота-онангни.

Озор берма, кўнгли синмасин чил-чил,  
Бу дунёда улар ғаниматдир, бил,  
Тазим қил, Нур Бобо бўлсанг сен ўғил.  
Тожу-тумор айла, ота-онангни.





## ЭЙ, ДЎСТИМ

Бошингга гар қилич келган бўлса ҳам,  
 Ёлгон сўз сўзламай юргил эй, дўстим,  
 Ўзингдан паст тутма кимки бўлса ҳам,  
 Доим бир кўз билан кўргил эй, дўстим.

Чаённи чаққанчун чаён дейдилар,  
 Ёмонни кўзидан аён дейдилар,  
 Яхшиларнинг йўли равон дейдилар,  
 Яхшиликдан қаср кургил эй, дўстим.

Дўст қошида чин дўст ҳар дам парвона,  
 Айри тушса, ота-бола бегона,  
 Ёри бевафолар бўлгай девона,  
 Ўз ёрингга содик бўлгил эй, дўстим

Давлат қуши қўнса, бошингга агар,  
 Пойингга ҳовучлаб тўқадилар зар,  
 Манманлик бир қуни бошингни эгар,  
 Камтар бўлиб даврон сургил эй, дўстим.

Ота дуосини тумор қил ўзга,  
 Она тилагини суртиб юр юзга,  
 Борингни тўтиё айлагил кўзга,  
 Дунё тургунича тургил, эй дўстим.

Беш кунлик дунёда пок бўлсин дилинг,  
 Заҳар эмас, асал, бол бўлсин тилинг,  
 Шукур қил, Нур Бобо ёр бўлса элинг,  
 Элинг ичра ўйнаб-қулгил эй, дўстим.

## АЙЛАНАЙ ҶЗИМ

Эй, малак, жонингдан айланай ўзим,  
Жонингга жон бўлиб жойланай ўзим,  
Пинҳона қалбимдан жой олган гулим,  
Калбингда сайланиб, сийланай ўзим.

Эй малак, жонингдан айланай ўзим,  
Юздаги холингдан айланай ўзим,  
Жайрон кўз маржоним, ёнар юлдузим,  
Лабдаги болингдан айланай ўзим.

Мен булбул, сен гулнинг ғунчасидурсан,  
Рухсоринг шунчалар гўзалки, хурсан,  
Сўзлари қаймоғим, тишлари дурсан,  
Асал тилгинангда «сўйланай» ўзим.

Бўйнимга осилган туморгинамсан,  
Соғинсам, кўзимда хуморгинамсан,  
Ёноқлари қирмиз, аноргинамсан,  
Дилбар дилгинангда куйланай ўзим.

Куёш нур таратар суйиб фалакни,  
Ато этмиш менга сендай малакни,  
Нур Бобо, гул айла унга юракни.  
Бир умр бўйингга бўйланай ўзим.



## БИЗГА БОҚМАЙДУР

Неча кунки дилим вайрон, ул нигор бизга боқмайдур,  
Билолмасман бўлиб ҳайрон, қилиб ор бизга боқмайдур.

Йўлимга ғов бўлиб ҳижрон, юрак бағримни айлаб қон,  
Куярман кўзларим гирён, зулмкор бизга боқмайдур.

Кипригидан ўқлар узиб, муҳаббат кулбасин бузиб,  
Билмам кимларга кўз сузиб, ситамкор бизга боқмайдур.

Қўшилиб йиғлагай булбул, куйиб бағри бўлибдир кул,  
Кулади бизга икки гул, у беор бизга боқмайдур.

Мажнун изларидан юриб, ўтдим саҳродан ҳайқириб,  
Ишқ элига минг бонг уриб, дилозор бизга боқмайдур.

Ошиқ бўлдим бевафога, қолди бошим минг балога,  
Бир назар қил Нур Бобога, ҳийлакор бизга боқмайдур.



## ДИЛИМ ЙЎҚ БЕВАФЛАРГА

Очолмасман очар бўлсам, дилим йўқ бевафоларга,  
Жонимга жойлайин жой кўп, бағрим кенгдир вафоларга.

Куйиб кетган юрак-бағрим, чидолмасман кўзим хайрон,  
Бу кўхна дунё азалдан, тўлиб кетган жафоларга.

Фақат фиғон чекар булбул, куйиб ҳам кул бўлур кўнгил,  
Юзин очмас анга бир гул, дили тўлган наволарга.

Чаманда кўнмагай зоғлар, чуғздек бенаводурлар,  
Аларни кўргали кўз йўқ, ишим йўқ бенаволарга.

Вайрона кўнгил кулбаси, мен ҳам ишкнинг бир телбаси,  
Билолмайман қачон етгум, дилим зор ул даволарга.

Сахроларда юрдим бўзлаб, бу дардимга даво излаб,  
Мажнунга ҳолимдан сўзлаб, кўлим очик дуоларга.

Нур Бобо, сен дуолар қил, боғлансин ошиқ икки дил,  
Вафоли бўлган ҳар кўнгил етинсин муддаоларга.



## СУНБУЛИМ БЎЛСАНГ

Роз айласанг мунчоқ тош бўлиб,  
 Билагингга боғланиб қолсам.  
 Кўздан сизган севинч ёш бўлиб,  
 Кипригингга осилиб олсам,  
 Гулим бўлсанг, булбулинг бўлсам,  
 Зулфи райҳон, сумбулим бўлсанг.

Бўйнингдаги мунчоқларингни,  
 Кипригимдан ўтказ бирма-бир,  
 Менга очиб кучоқларингни,  
 Ҳеч бўлмаса тушларимга кир.  
 Гулим бўлсанг, булбулинг бўлсам,  
 Зулфи райҳон, сумбулим бўлсанг.

Сочларингни толаси бўлиб,  
 Белгинангга ўралиб олсам.  
 Дилгинамни воласи бўлиб,  
 Яноғингга хол бўлиб қолсам.  
 Гулим бўлсанг, булбулинг бўлсам,  
 Зулфи райҳон сумбулим бўлсанг.

Кўзларингга сурмалар бўлсам,  
 Тўниб, меҳр тилаб ётсайдим.  
 Болишингга йўрмалар бўлсам,  
 Юзларингни силаб ётсайдим.  
 Гулим бўлсанг, булбулинг бўлсам,  
 Зулфи райҳон, сумбулим бўлсанг.

Дилингдаги меҳрингдан қониб,  
 Бир умрга таътиб юрсайдим.  
 Кўзларингни гавҳари бўлиб,  
 Нур Бобо нур бўлиб турсайдим.  
 Гулим бўлсанг, булбулинг бўлсам,  
 Зулфи райҳон, сумбулим бўлсанг.

## ЯХШИДИР

Дўст бўлса, яхши дўст-дугона яхши,  
Ёмон биродардан бегона яхши.  
Бедарак дайдидаан девона яхши,  
Умрнинг гул-ёшлик чоғи яхшидир.

Давлатинг ошганда куяр ғанимлар,  
Кўролмаи кўзингни ўяр ғанимлар,  
Қалбини ҳасадга бўяр ғанимлар.  
Душман хийласидан тиғи яхшидир.

Ғам чексанг, ғам чекар меҳрибонларинг,  
Кувнасанг, кувнашар қувноқ онларинг,  
Сен билан шод бўлар ошса шонларинг,  
Учса ҳам оловнинг чўғи яхшидир.

Бошинга ғам тушса, душман шод бўлгай,  
Йиғласанг чин дўстга кулги ёт бўлгай.  
Ёр вафодор бўлса дил обод бўлгай,  
Душман кулгисидан йиғи яхшидир.

Бевафо бўлса ёр бошга балодир,  
Дил-бағрингни ўйиб ётар яродир,  
Унинг юзи икки дунё қародир.  
Ундай ёр боридан йўғи яхшидир.



## БЕВАФО ЭКАН

Бевафо бўлса ёр, бахт қаро экан,  
 Бахтинг қаро экан, дил яро экан.  
 Бир умр бағрингга қадаркан тикан,  
 Бевафо ёр бошга, бир бало экан,  
 Бевафо бари бир бевафо экан.

Бахтингга ғов бўлиб қучоқ очаркан,  
 Елкангга қўл қўйиб гуллар сочаркан,  
 Сени қучмай ҳали сендан кечаркан.  
 Унинг топганлари бир риё экан,  
 Бевафо барибир бевафо экан.

Қайси кўнгил қора, қайсидир оқдир,  
 Қайси дил нопокдир, қайсидир покдир,  
 Худо пешонага битган бу тақдир,  
 Азалдан битилган бир дуо экан,  
 Бевафо барибир бевафо экан.

Йўқ экан ошиқлар бағри бутуни,  
 Ўчириб бўлмаскан ҳижрон ўтини,  
 У қора булутлар кўксинг туғуни,  
 Ишқ дарди бир умр бедаво экан,  
 Бевафо барибир бевафо экан.

Ҳижрон аччиқ азоб, висол – оқ қаймоқ.  
 Висол – ёр кўксига суйиб, бош қўймоқ,  
 Бевафо ёр ишқи кўзингни ўймоқ,  
 Бундай ишқ кўшиғи бир нидо экан,  
 Бевафо барибир бевафо экан.

Тунлар юлдузларга боқасан фақат,  
 Юракни майдалаб ёқасан фақат,  
 Ўзинг кўз ёшингда оқасан фақат,  
 Нур Бобо, айрилиқ бир жафо экан,  
 Бевафо барибир бевафо экан.



## БОЛАМ ДЕБ...

Болам деб бу ёруғ дунёга келдим,  
Болам деб яшайман токи жоним бор.  
Болам деб севиндим, югурдим, елдим,  
Болам бор – бир олам шухрат – шоним бор,

Боламдир – ғурурим, фахрим, савлатим,  
Боламдир – туганмас шону – давлатим,  
Болам оқил бўлса, бўлмас лаънатим,  
Болам бор-бебаҳо битмас коним бор.

Умримнинг давоми-издош изимга,  
Дилимнинг чироғи, нурдир кўзимга,  
Тўйлар қилиб, кафтни суртгим юзимга.  
Болам бор-жисмимда оқар қоним бор.

Нур Бобо, мен шукур айлайман минг бор,  
Файз тўла уйимда «чароғон бозор»,  
Болам бор – бошим тик, тоғдай норим бор,  
Болам бор – беминнат ширмон ноним бор.





## ЭЙ ТИЛ

Эй тил, бол бўл, бошга бало келмасин,  
Эй дил, пок бўл, қалбга хижрон тўлмасин,  
Эй қуёш, тўхтама зиё сочмоқдан,  
Ой кетма осмондан зулмат бўлмасин.

## НОДОН

Дунёни бўҳтонга тўлдирма, нодон,  
Юракни аламга тилдирма, нодон,  
Яхшини йиғлатиб қўйиб, ёмонни  
Яхшининг устидан кулдирма нодон.



## СУЛУВ

Асраганман ёмон кўзлардан,  
 Қизғонгансан мени кизлардан.  
 Юлдуз кўзли сулув юзлардан,  
 Сени лўппи юзларинг сулув.


Нигоҳларинг олов ёқади,  
 Дилга чўғдек маржон такади,  
 Юзларингдан ибo оқади,  
 Сени жайрон кўзларинг сулув.

Зулфи зарим, тили бийроним,  
 Сенга сийлов шу ширин жоним,  
 Сўзи асал, моҳи тобоним,  
 Сени ширин сўзларинг сулув.

Сал кўрмасам узилгандай жон,  
 Соғинаман, кўзларим гирён.  
 Изларингга сочаман райхон,  
 Райхон ўпган изларинг сулув.

Сен суюкли эрка райхоним,  
 Сен кўнглимда гул эккан жоним,  
 Кўксимдаги сулув маржоним,  
 Назокатинг, нозларинг сулув.

Асраганман ёмон кўзлардан,  
 Қизғонгансан мени қизлардан.  
 Юлдуз кўзли, сулув юзлардан,  
 Сени лўппи юзларинг сулув.



## СЕВМАСАНГИЗ-ЧИ...

Мен севаман, севмасангиз ҳам,  
 Ситамлардан тўймасангиз ҳам.  
 Кўксим куйиб кул бўлса ҳам-ки,  
 Мен куяман куймасангиз ҳам,  
 Мен севаман, севмасангиз ҳам...

Бағримга тиғ санчилиб ётар,  
 Қонга ботиб, янчилиб ётар,  
 Дилгинамга аламлар тоғдай.  
 Бўлган сари тошдайин ботар,  
 Мен куяман куймасангиз-чи,  
 Мен севаман, севмасангиз-чи...

Қўшнимсиз-у, қўлим етмайди,  
 Қўлингизга гулим етмайди,  
 Кўз очган бу дардим яраси,  
 Ўлгунимча дилдан кетмайди,  
 Мен куяман куймасангиз ҳам,  
 Мен севаман, севмасангиз ҳам...

Соғингандан зулфи заримни,  
 Эркалайман армонларимни.  
 Кўнглингиздан севмасангиз ҳам,  
 Узолмайман кўнгил торимни,  
 Мен куяман куймасангиз ҳам,  
 Мен севаман, севмасангиз ҳам...

Кўларимнинг қорачиғисиз,  
 Пора қилган дилим тиғисиз,  
 Ҳажрингизда куйиб Нур Бобо,  
 Бирор куним ўтмас йиғисиз,  
 Мен куяман куймасангиз ҳам,  
 Мен севаман, севмасангиз ҳам...

## ЯШАЙДИ ҚАЛБИМ

Бугун қалбим асли ўзимникимас,  
Кўзим қорачиғи кўзимникимас,  
Чехрам ҳам бошқача юзимникимас,  
Ўғирлаб олгансан қалбимни балким,  
Бағрингга бош қўйиб яшайди қалбим,

Тўтиқушдай тўниб тураман-у мен,  
Дунёни танисмай кўраман-у мен,  
Телбадек тентираб юраман-у мен,  
Ўзим ўзим эмас, сендирсан балким,  
Бағрингга бош қўйиб яшайди қалбим.

Сен ўтган йўллардан ўтаман, куйиб,  
Билмайсан кўчангда кутаман, куйиб,  
Кўринмай меҳримни тутаман, куйиб,  
Бир сиқим қулдан жой тўшайди, қалбим,  
Бағрингга бош қўйиб яшайди қалбим.

Қалбим қандай бахтли, сен билмайсан-да,  
У қулар сен менга ҳеч қулмайсан-да,  
Қалбимни етаклаб бир келмайсан-да,  
Мен тутган гулдан жой тўшайди қалбим,  
Бағрингга бош қўйиб яшайди қалбим.

Бағрингда қалбимни яшаши бахтдир,  
Гулларни жой қилиб тўшаши бахтдир,  
Энди тўй қиламиз фаришгам тахт тур.  
Бари бир қалбингга ўхшайди қалбим,  
Бағрингга бош қўйиб яшайди қалбим,  
Бағрингга бош қўйиб яшайди қалбим.

## ТАННОЗЛАР

Ўзларини сийлаб, пардозлаб,  
 Қуйдиради бизни таннозлар.  
 Кўзимиздан алам ёшларни  
 Қуйдиради қулиб таннозлар.

Сочларидан турмаклар ясаб,  
 Киприклардан илмоқлар ясаб,  
 Кокиллардан сиртмоқлар ясаб,  
 Ўлдиради қулиб таннозлар.

Мен дил очсам қайсиларига,  
 Тош отишар кўнглим қаърига,  
 Киприкларин найзаларчига  
 Илдиради дилни таннозлар.

Олов ёқиб яноқларига  
 Овлатар зулф қармоқларига,  
 Лабларининг қаймоқларига  
 Ийдиради дилни таннозлар.

Чақнагади тунни кўзлари,  
 Тўлин ойга офтоб юзлари,  
 Ўт сачратар босган излари,  
 Тинитади тунни таннозлар.

Ўсма қўйиб қоши қаламлар,  
 Кўзга сурма суртиб санамлар,  
 Нур Бобога ортиб аламлар,  
 Тўлдиради дилни таннозлар.

## ЁНАР ҚИЗҒАЛДОҚ

*Лола, лолажаним,  
Лолақизгалдоқ.*

*М.Юсуф*

Қизгалдоқ, қизгалдоқ,  
Бунча бағринг қон,  
Кафтимда эркалаб  
Силайми ўзим,  
Чечаклар ичра сен  
Тиниқ, хур, алвон,  
Сени қучишга ҳам  
Қиймайди кўзим.  
Пойингга майсалар  
Унган гул ёнок.  
Ёнар қизгалдоғим,  
Ёнар қизгалдоқ.

Қизгалдоқ, қизгалдоқ,  
Бунча бағринг қон,  
Бағримга эркалаб  
Олайми ўзим,  
Сени қўлга олсам  
Узилгандай жон,  
Истасанг қошингда  
Қолайми ўзим.  
Сен билан бир умр  
Бўлайми ўртоқ.  
Ёнар қизгалдоғим,  
Ёнар қизгалдоқ.

Хушёр бўл, довулдан,  
Хушёр бўл, дўлдан.  
Япроқларинг янчиб,  
Узиб кетарлар,

Аста сўра опанг  
Бойчечак гулдан,  
Бағрингни беаёв  
Эзиб кетарлар.  
Кўкка тўзиб-тўзиб  
Йиғлайди япроқ.  
Ёнар қизгалдоғим,  
Ёнар қизгалдоқ.

Беаёв, бераҳм,  
Ғанимдир билсанг,  
Бир муддат шунчаки  
Туролмайдилар,  
Қанчалар яшнасанг,  
Очилиб, кулсанг,  
Киприк-қош, кўркингни  
Кўролмайдилар,  
Шунда вужудимни  
Босади титроқ.  
Ёнар қизгалдоғим,  
Ёнар қизгалдоқ.

Бошингни эгасан,  
Пойингни қучиб,  
Айт, жоним дилгинанг  
Нима тилайди?  
Ҳали капалаклар  
Келади учиб,  
Қанотлари билан  
Бошинг силайди.

Парвона жонига  
 Бўласан чироқ,  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

Келгин капалакни  
 Бирга кучамиз,  
 Мен меҳр, сен унга  
 Ифорингни тут.

Қувнашиб ҳу ана  
 Қўкка учамиз,  
 Гарчи гуноҳларим  
 Бўлса, ундан ўт,  
 Парвозга шайланиб,  
 Эркам қанот қоқ.  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

Эркалаб багрингни  
 Кучарлар суйиб,  
 Бўйингга осилиб  
 Олишар улар.  
 Шарбату болингдан  
 Ичарлар тўйиб,  
 Бир умр сен билан  
 Қолишар улар.  
 Улар бир бечора,  
 Фақир, кўнгли оқ,  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

Арилар бол сўраб  
 Тиланар ҳали,  
 Камалак бошингга  
 Паранжи бўлур,

Наврўзи айёмда  
 Топасан толе,  
 Сен билан бу олам  
 Чиройга тўлур.  
 Чаман чехрасидан,  
 Кетма ҳеч йироқ,  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

Саболар қошингда  
 Қўшиқлар куйлар,  
 Юзингни ювади  
 Ёмғир шитирлаб,  
 Оймомо аллалаб,  
 Эртақлар сўйлар,  
 Шабнамлар юзингдан  
 Ўпар қиқирлаб,  
 Бирамки, хуш ёкар  
 Уларга кулмоқ,  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

Мендан не истайсан,  
 Бошингни кўтар,  
 Истасанг пойингга  
 Райҳонлар сочай,  
 Узатсак қўлимиз  
 Юлдузга етар,  
 Сенга меҳр ила  
 Қучоғим очай.  
 Кел, ёниб кўксимга  
 Бўлгил кўзмунчок,  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

О, баҳор малаги,  
Фариштагинам,  
Кўкси кўкдай тиниқ,  
Кўнгли куюнчак,  
О, кирда яшнаган  
Қирмизи гилам,  
Адирда алвон сеп  
Ёйган келинчак.  
Бунчалар балқига  
Алвонранг дудок,  
Ёнар қизғалдоғим,  
Ёнар қизғалдоқ.

Сен баҳор кўркисан,  
Кўнглимнинг кўрки,  
Хоҳ инон, инонма  
Мен сенга шайдо,  
Сени измингдадир  
Дилимнинг эрки,  
Ҳар баҳор қошингда  
Бўламан пайдо,  
Иковлон ҳали кўп  
Бўламиз иноқ.  
Ёнар қизғалдоғим,  
Ёнар қизғалдоқ.

Сени зийнатларга  
Ўрамоқ нечун,  
Сен ҳурдан туғилган,  
Кўркинда кам йўқ.  
Сен лолақизғалдоқ  
Бўлганинг учун,  
Зебу-зийнатларнинг  
Кераги ҳам йўқ.

Сен қирлар кўксида  
Жавоҳир мунчок.  
Ёнар қизғалдоғим,  
Ёнар қизғалдоқ.

Баҳорга қирмизи  
Кўйлак кийдириб,  
Яна яшнаб, ёниб  
Келдингми гулим?  
Дилларни ифорга  
Яна тўйдириб,  
Қирмизи келинчак  
Бўлдингми гулим?  
Қирларга сачратиб,  
Қирмизи бўёқ,  
Ёнар қизғалдоғим,  
Ёнар қизғалдоқ.


Баҳорда бир яшнаб  
Келин бўлдинг.  
Эгилиб дилимга  
Ўт ёққан ўзинг,  
Ой тўлмай бир кунда  
Тўлин бўлдинг,  
Тўкилиб дилимга  
Дард тўккан ўзинг.  
Кумуш кўз ёшларинг  
Бунча ялтироқ,  
Ёнар қизғалдоғим,  
Ёнар қизғалдоқ.

Мавжланиб турасан  
Сулув қизлардай,



Ёноклар ловуллаб,  
 Уёлгандайсан.  
 Мисли сен малаксан  
 Тўлин юзлардай,  
 Бунчалар ёнасан,  
 Бағри қондайсан,  
 Бир сиқим кул бўлар  
 Пойингда тупроқ,  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.

Ёнсанг ёну, аммо  
 Куйма бунчалар,  
 Хаётнинг ҳийласи  
 Шундайдир гулим.  
 Хандон отаёғир  
 Қара ғунчалар,  
 Эртага улар ҳам  
 Сендайин сўлим.  
 Шунчалар завқлики,  
 Ёнингда турмоқ.  
 Ёнар қизғалдоғим,  
 Ёнар қизғалдоқ.



ЙИҒЛАМАЙМАН-ДА...

Мен севсам-у, сиз севмасангиз,  
Сўлиб қолса қўлимда гуллар.  
Мен куйсам-у, сиз куймасангиз,  
Бир-биридан тонса кўнгиллар.  
Етмасангиз севгим қадрига,  
Йиғлайман-да ишқим дардига.

Чанглар босиб мунғайиб турса,  
Чалинмаса кўнгил дуторим.  
Изларимга хижрон ин курса,  
Пойингизда йиғласа орим.  
Етмасангиз севгим қадрига,  
Йиғлайман-да ишқим дардига.

Сочингизга етмаса қўлим,  
Силамаса бир бора уни.  
Эшик очса армонга дилим,  
Бурксиб ётса кўксим тутуни.  
Етмасангиз севгим қадрига,  
Йиғлайман-да ишқим дардига.

Олисларга учар хаёлим,  
Ортингиздан юради кувиб.  
Тутмасмикин сизни уволим,  
Қолса агар дил-бағрим куйиб.  
Етмасангиз севгим қадрига,  
Йиғлайманда ишқим дардига.

Тўзиб кетди умидларим ҳам,  
Фарёд ургай бу хаста юрак.  
Нур Бобонинг дардига малҳам,  
Топилмади бир сиздан бўлак.  
Етмасангиз севгим қадрига,  
Йиғлайманда ишқим дардига.

## ЮЗИНГИЗДАН ЁҒАР ШИРМОНЛАР

Эй сиз сулув, тили бийронлар,  
 Кўзларингиз кўрки жайронлар.  
 Асли хушбўй анбарларини  
 Зулфингиздан олган райҳонлар.

Ой отилар чиройингизга,  
 Хусун мулки – саройингизга,  
 Икки ҳилол-қош – ёйингизга  
 Тўнар тинмай моҳи тобонлар.

Кўксингизни кучиб кучоқлар,  
 Бўйиндаги маржон мунчоқлар,  
 Болга тўла қирмиз дудоқлар,  
 Мавжингиздир лаъли маржонлар.

Сал кўрмасам куяр кўзларим,  
 Сарғаяди сўлгин юзларим,  
 Юрак бағрим уяр кўзларим,  
 Тоғ бўлади дилда армонлар.

Сиз райҳонсиз ифори эсан,  
 Сиз ялпизсиз кўксимда ўсган,  
 Нур Бобонинг йўлини тўсган,  
 Сиздан экан танда дармонлар.



## СИЗ БИРАМ ШИРИН

Англаб бўлмас экан кўнгиллар сирин,  
Қовушса ажратиб бўлмас бир-бирин.  
Сиз ҳали билмайсиз сизни севганим,  
Сизни севиб қолдим, сиздан яширин,  
Сиз бирам ширинсиз, сиз бирам ширин.

Нигоҳларим сизга тайиб тинмайди,  
Қирқ кокил сепини ёйиб тинмайди,  
Бир зум қарамасам кўзим кўнмайди.  
Сизни севиб қолдим, сиздан яширин,  
Сиз бирам ширинсиз, сиз бирам ширин.

Юрак ботиб сизга кулиб бўлмайди,  
Сиз пари ё малак, билиб бўлмайди,  
Хуснингизга бокиб тўйиб бўлмайди.  
Сизни севиб қолдим, сиздан яширин,  
Сиз бирам ширинсиз, сиз бирам ширин.

Кўнглим кўксингизда улғайган чинор,  
Кулишларингизда севинчларим бор,  
Дилимга дилингиз тугилган тумор.  
Сизни севиб қолдим, сиздан яширин,  
Сиз бирам ширинсиз, сиз бирам ширин.

Сизни тушларимда тугаман фақат,  
Дардимни ичимга ютаман фақат,  
Қачон биларсиз деб кутаман фақат,  
Сизни севиб қолдим, сиздан яширин,  
Сиз бирам ширинсиз, сиз бирам ширин.

## ҚАДРИИИ БИЛ

Сен оқил бўлсанг ўғил, етakil отанинг қадрига,  
 Ол ота дуосини дармони бўлгил дардига,  
 Шунда эл таъзимдадир, сендай ўғилнинг мардига,  
 Сен оқил бўлсанг ўғил, етakil отанинг қадрига.

Оқ сути қонингда жўш ургайки сен дунёда бор,  
 Тан-жонингни жисмига жо айлаган онаизор.  
 Изларин кўзингга сурт, ҳеч чекмасин сендан озор,  
 Меҳрибонинг мунисинг, етakil онанинг қадрига.

Оғани жигаргўша елкадош – нор дейдилар,  
 Ёр жафо қилса уни бир бевафо ёр дейдилар,  
 Чин вафоли дўсту ёр дилингда дилдор дейдилар,  
 Оғани бўлмас тониб, етakil оғанинг қадрига.

Дўстни дўст бил, душманинг дўстингга дўст бўлса ёмон,  
 Бир ғаним ҳийласидан бошга бало келса ёмон,  
 Кимки гар тухмат қилиб ноҳақ дилинг юлса ёмон.  
 Душманнинг кўли ёмон, дўстингни етakil қадрига.

Ота-онанг пойига гул эк, пойинг гулга тўлар,  
 Мартабанг бўлгай баланд, юрган йўлинг нурга тўлар,  
 Нур Бобо хурмат кўриб, шон-шуҳратинг дурга тўлар,  
 Эл азиз айлар сени, етсанг элингни қадрига.



БУ ЁРУҒ ДУНЁ ШИРИН...

Бу ёруғ дунё ширин, ширмон тўла дунё экан,  
Лаълу, дур, гавҳари кўп маржон тўла дунё экан.

Тўймаг ай умри бўйи одам бу дунё тогидан,  
Ким суриб, ким сурмагай даврон тўла дунё экан.

Дилда ишк гулзори бор, бахт деган дил тори бор,  
Муҳаббат ифори бор, райхон тўла дунё экан.

Қанчалар бағри кабоб бўлган аламлар ўтида,  
Кўнгилнинг нам кулбаси вайрон тўла дунё экан.

Эй фалак, ҳеч кимсани куйдирма фарзанд доғида,  
Базилар тирюкқа зор, армон тўла дунё экан.

Нур Бобо сен ҳам ёруғ дунёни меҳмон бандаси,  
Ҳамма бир келиб кетар меҳмон тўла дунё экан.



## ҚОЛИБ КЕТДИМ МАН

Бўзлаб чиқар бўғзимдан оҳим,  
 Етолмадим кадрингга моҳим,  
 Ё кўпдир, ё оздир гуноҳим,  
 Заволида қолиб кетдим ман.

Бағрим ўйиб, ўртаб аламлар  
 Ҳар кун юз бор домига ямлар,  
 Куйдириб кул айлади ғамлар.  
 Кул ҳолида қолиб кетдим ман.

Дилим – дилинг, сўзларим – сўзинг,  
 Ошно эди кўзимга кўзинг.  
 Ойдан гўзал алвон, ой юзинг,  
 Уволига қолиб кетдим ман.

Кўп экан айрилиқ карвони,  
 Дилни ўяр экан сурони.  
 Ҳижроннинг изғирин бўрони,  
 Шамолида қолиб кетдим ман.

Адоси йўқ экан армоннинг,  
 Дарди дунё экан ҳижроннинг.  
 Тун чоғлари олис осмоннинг  
 Ҳилолида қолиб кетдим ман.

Тоҳир оқди сувларга нечун?  
 Зухра бўзлаб қолди ишқ учун.  
 Саҳроларга куйган у Мажнун  
 Аҳволида қолиб кетдим ман.

Ишқсиз дилга боғламанг дилни,  
 Бевафога берманг кўнгилни.  
 Нур Бобо бўзлаган булбулни  
 Иқболида қолиб кетдим ман.

Умр бу бир учар кушдир,  
Баланд парвози олқишдир,  
Из қолдириб учар бўлса,  
Авлодлар айтар олқишдир.

Ёшлик баҳор нишонаси,  
Йигитлик ёзнинг шонаси,  
Қарилик бошда ошпоқ қор  
Бўлиб тушган кумуш кишдир.

Умр бу бир оқар дарё,  
Йўли узок, яқиндир ё,  
Гоҳи оқар тошиб, жўшар,  
Гоҳида ранги сарғишдир.

Умр бу бир келар дунё,  
Гоҳ йиғлаб, гоҳ кулар дунё.  
Ярми ҳузур-ҳаловатдир,  
Яна ярми минг ташвишдир.

Умр бу бир очилган гул,  
Ифори бир сочилган гул.  
Бўйидан маст бўлиб кўнгил,  
Бирам ҳушдир, бирам  
хушдир.

Умр бу бир ўтар қарвон,  
Қўлингдан бир тутар қарвон,  
Унга бош беҳисоб сарбон,  
Бири дарвеш, бири хешдир.

Умр бу бир очик айвон,  
Авал обод, кейин вайрон.  
Қатор нақшин ёғоч қошлар –  
Чириб тушиб кетар тишдир.

Умр бир айтилар қўшиқ,  
Тўхтамай тебранар бешик,  
Яхши айтилса шод бўлгай,  
Ёмон бўлса аччиқ ёшдир.

Умр бу бир чакнар чакмоқ,  
Бу дунёга бир-бир боқмоқ,  
Йўли гоҳ кенг, гоҳ тор сўқмоқ,  
Кўниб, учиб кетар кушдир.

Умр бу бир эсар шамол,  
Эсиб, дунё кезар шамол,  
Жумбоғи сир бўлган савол,  
Тоғдан қулаб кетар тошдир.

Умр бу бир келиб кетгай,  
Ҳаммани бир қўлин тутгай,  
Умр ўтгай, умр ўтгай,  
Мисоли бир ширин тушдир.



## КЕЛСИН

Кундан-кунга ошсин шаънинг, Умринг бин о бўлган гулдан,  
 Чаман бўлсин хур-гулшанинг. Бағри дилинг ҳам шу гулдан,  
 Шундай жойда тур ҳамманинг. Навони ўрган булбулдан,  
 Ёнингда тургиси келсин. Сабони елгиси келсин.

Гулларинг очилиб ял-ял, Узоқ юргил ғуборлардан,  
 Изингга сочилиб ял-ял. Қолиб кетма назарлардан,  
 Ёруғ йўлдан юр ҳамманинг. Безаб умрингни зарлардан,  
 Шу йўлдан юргиси келсин. Заргарнинг кўргиси келсин.

Инсон бўлсанг шундай бўлки, Авали ўз тилингни бил,  
 Ҳавас бўлсин кўнглинг мулки, Ўзингни бил, элингни бил.  
 Ширин сўзлар айтиб юрки, Элингни ўз гулинг деб бил,  
 Дилларнинг қулгиси келсин. Гул сени билгиси келсин.

Сени кўрса очилсин дил, Соғинч кўзлар хумори бўл,  
 Кўнгилларни ола билгил, Эл калбининг тумори бўл,  
 Ҳамма сенга ёзиб кўнгил, Нур Бобо, юрт чинори бўл,  
 Суҳбатлар қургиси келсин. Эл сендай бўлгиси келсин.



## КУЛИШЛАРИНИ

Димоғимда ялпизлар иси,  
Райҳонларим-нарғизлар иси,  
Кирган чоғи кизларнинг эси.  
Қаранг, елдай елишларини,  
Қикир-қикир кулишларини.

Кулишлари бирам хушқилиқ,  
Истаралар бунчалар илиқ,  
Куйдургувчи кўзлар шум килиқ,  
Атай нозга тўлишларини,  
Қикирлашиб кулишларини.

Бирам ширин уёлишлари,  
Алвон рангга бўялишлари,  
Осонгина жон олишлари,  
Таннозланиб юришларини,  
Қикирлашиб кулишларини.

Сиртилди-ку юрагим чоки,  
Улар узиб олган гўёки,  
Куйдирмасдан қўймаслар токи,  
Бағри-дилим тилишларини,  
Қикирлашиб кулишларини.

Билмадим-а улар сирини,  
Қизганишар бири бирини,  
Ҳаммасини эмас, бирини  
Севганимни билишларини,  
Қикирлашиб кулишларини.

Қикир-қикир кулишлари бор,  
Зайнаблари, Кумушлари бор,  
Нур Бобони айлашиб абгор,  
Ҳаммалари куйишларини,  
Бир-бирини ўйишларини,  
Қикирлашиб кулишларини.

## ОЙ ЧЎМИЛАР КЎЗИН ЁШИГА

Қирга чиқдим гуллар тергани,  
Қизғалдоғимни бир кўргани,  
Ўша юрагимдан ургани,  
Бағрин қонга булаб ётаркан.

Қирга чиқдим кўнглим куюнчак,  
Пешвоз чиқди менга минг чечак,  
Ҳаммаси ҳам хур бир келинчак,  
Барини кўрк белаб ётаркан.

Қирга чиққан мисли минг малак,  
Майсалардан тақиб жамалак,  
Ўсма қўйиб қошга камалак,  
Ҳавас билан силаб ётаркан.

Борсам қизғалдоғим бошига,  
Ой чўмилар кўзин ёшига.  
Қўниб олиб ари қошига,  
Япроғини ялаб ётаркан.

Сабо курғур елиб ёнидан,  
Ифор олиб қочар қонидан,  
Капалаклар кечиб жонидан  
Бир жонга бол тилаб ётаркан.

Шабнамчалар қалқиб япроққа,  
Кўз ёшларин экар тупроққа,  
Юлдузчалар тутиб сўроққа,  
Ҳасратларин улаб ётаркан.

## ГУЛ БАҲОР

Қирларга кош қўйди камалак,  
Салом бериб яшнар ялпизлар.  
Толпоқдан тақиб жамалак,  
Наврўзга ноз ўргатар кизлар.  
Тоғлар бағри бўлиб лозазор,  
Яна яшнаб келди гулбаҳор.

Жилоланар қирмиз қизғалдоқ,  
Ифори барқ урган райҳонлар,  
Олам чаман, уфқ – зарғалдоқ,  
Сакраб ўйнар сулув жайронлар.  
Наврўзга сир сўйлар ҳар наҳор,  
Яна яшнаб келди гулбаҳор.

Наврўз келди навога тўлиб,  
Майсалар ям-яшил поёндоз,  
Бинафшалар келинчак бўлиб,  
Ҳар баҳорни айлагай пардоз.  
Қаранг тунда булбуллар бедор,  
Яна яшнаб келди гулбаҳор.

Товланади чаман чечаклар,  
Думоғида сумалак иси.  
Капалаклар гулни кучоклар,  
Новдаларда гунча кулгуси.  
Ариларга гул бағри бозор.  
Яна яшнаб келди гулбаҳор.

Ўзбекистон оламга кўз-кўз,  
Жамолига асло тўймайман.  
Гул юртимга ярашгай Наврўз,  
Мадҳинг куйлаб тилдан қўймайман.  
Тонгда гулдек ясангай диёр,  
Яна яшнаб келди гулбаҳор.

## КЕТДИМ

Бу дунёдан хур ўтган  
Соҳиба исмли қиз хотирасига

Дунёга келганим билолмай кетдим,  
Бўйнимга кўзмунчок илолмай кетдим,  
Онамнинг меҳрига зор қилдинг фалак,  
Эркалаб юзини силлолмай кетдим.

Пешонам шўр экан, тоълесиз бошим,  
Қаро ерда ётур ўсмасиз кошим,  
Бошимда порламай ботди куёшим.  
Бахтим бўстонига йўл олмай кетдим.

Кушлар сайрамасдан, чўл бўлди боғим,  
Сўлидим, гул бўлиб очилган чоғим,  
Кўксимни куйдириб ўчди чироғим.  
Қирқга кучоқ очмай, кулолмай кетдим.

Сочим ўришга ҳам етмай дармоним,  
Елкамда йиғлади қирқта армоним,  
Чанг бўлиб тўзиди чархпалак жоним,  
Бирор дилга дилим улолмай кетдим.

Момом онам бўлиб бағрига кучди,  
Акам отам бўлиб ғам ошим ичди,  
Келин бўлмай умр чироғим ўчди,  
Бешик кучмай, бола беллолмай кетдим.

Дардим вужудимни чаёндай чақиб,  
Кўз ёшим кўксимга қон бўлди оқиб.  
Умид чироғига кўзларим боқиб,  
Армон ила ором ололмай кетдим.

Қисматим шўр экан, мен шўр етим қиз,  
Бу дунёда мендан қолмади бир из,  
Жисмимни жон эрта тарк этди эсиз,  
Умр туморини тилолмай кетдим.

Бу дунё туйнуғи тор экан, билсам,  
Ёш ўлмоқ қисмати бор экан, билсам,  
Мен учун қаро ер ёр экан, билсам,  
Бу дарддан ўзимга келолмай кетдим.



## БУ ДУНЁ АЛДАБ...

Ҳаммани бир кўзда кўради Эгам,  
 Умрингни зар айла ғанимат бу дам.  
 Ҳар онни олтинга топиб бўлмагай,  
 Эртага не бўлур билмайди одам.  
 Гўзал оғушига ўраб олади,  
 Бу дунё ҳаммани алдаб қолади.

Мол-дунё талашиб юрарлар тўймай,  
 Ўзларин ўқларга урарлар тўймай,  
 Кимлардир бир-бирин кўролмайд куйиб,  
 Бўхтону-ғийбатлар қураарлар, тўймай.  
 Ғийбат оғушига ўраб олади.  
 Бу дунё ҳаммани алдаб қолади.

Тақдир нешонага тан бергил укам,  
 Тақдирга Яратган ўзидир ҳакам.  
 Бевафодан фақат топарсан жафо,  
 Содик ёр бир умр дардингга малҳам.  
 Вафо оғушига ўраб олади,  
 Бу дунё ҳаммани алдаб қолади.

Жисмингда ўзгалар жони жон бўлмас,  
 Бировнинг шуҳрати сенга шон бўлмас.  
 Дунёга келибсан қолдир яхши из,  
 Изсиз девонада ном-нишон бўлмас.  
 Шуҳрат оғушига ўраб олади,  
 Бу дунё ҳаммани алдаб қолади.

Бу дунё барчага баробар асли,  
 Бир ширин тушдайин бу умр фасли.  
 Дунёдан ўтса ҳам инсоннинг номи,  
 Яшайди, руҳини шод этиб насли.  
 Авлод оғушига ўраб олади,  
 Бу дунё ҳаммани алдаб қолади.

Ҳамма чалиб ўтар бу дунё найин,  
 Белдан қувват кетар қариган сайин.  
 Кимга кенг, кимга тор дунё юзини,  
 Ҳамманинг бир кўриб ўтмоғи тайин.  
 Наво оғушига ўраб олади,  
 Бу дунё ҳаммани алдаб қолади.

## ТҮЙЛАР ГҮЗАЛ

Тўйхона зар, нурга ўралган, гўзал,  
Тўйда тароналар таралган ғазал,  
Дастурхон жаннатдан яралган асал.  
Буни таърифлашга тилим лол бўлур,  
Тўйда тўкилгани бори бол бўлур.

Кошдаги ўсмалар бахтнинг каноти,  
Қаҳ-қаҳа кулгилар кувонч баёти,  
Тўй билан йўғрилган ўзбегим зоти.  
Буни таърифлашга тилим лол бўлур,  
Тўйда тўкилгани бори бол бўлур.

Тўйхона деворин сийлаб, силайман,  
Келин-куёвларга толе тилайман,  
Уларга ёр бўлсин тахти Сулаймон.  
Буни таърифлашга тилим лол бўлур,  
Тўйда тўкилгани бори бол бўлур.

Дуо, тилакларга очилган қўлим,  
Тоъле тиламоқдан тўймайди тилим.  
Елкангдан тўй юки тушмасин элим.  
Буни таърифлашга тилим лол бўлур,  
Тўйда тўкилгани бори бол бўлур.





## БЎЛМАС

Ўзга юртнинг баланд касри  
Уйим айвонича бўлмас.  
Ўзга элнинг шоҳ, султони  
Элим кайвонича бўлмас.

Очиқ бўлсин дастурхонинг,  
Миннатли бўлмасин нонинг,  
Миннатли бўлса ош, нонинг,  
Уйим қоқ нонича бўлмас.

Нопок ўзин сипо тутиб,  
Майли, намоз-ниёз килсин.  
Ҳамиша дил-нияти пок  
Киши иймонича бўлмас.

Чаманнинг яшнаган минг-минг  
Ифори йўқ чечаклари,  
Ифори барқ урган бир тўп  
Гулу-райҳонича бўлмас.

Тириклик чоғида ҳар бир  
Кишининг қадрига еткил.  
Ўлганида минг фарёдинг  
Бир дил армонича бўлмас.

Бевафолар юрса-юрсин,  
Ёлғон вафодан сўз очиб.  
Нур Бобо бил, булбулни бир  
Аҳду-наймонича бўлмас.



## АЛВОН ОЛМА

Олма слай десам, шохи баланд экан,  
Олма алвон, юзи тарам-тарам экан.

Интигандим, боғбон мени кўриб қолди,  
Ололмадим, олма унга қарам экан.

Бағридаги доғни кўриб, куйиб кетдим.  
Билсам у доғ дилимдаги ярам экан.

Силкинади шамолга бош эгиб ҳар кун,  
Юзидаги алвон билсам алам экан.

Олма олай десам шохи баланд экан,  
Ўша олма бир бағри қон санам экан.



ТОНМОҚДАСИЗ

Бўлдими?.. Дилни ўйиб суйганлариз,  
 Қайда қолди оҳ уриб куйганлариз,  
 Қўзларимга термулиб тўйганлариз.  
 Куйдириб, биздан нечун тонмоқдасиз,  
 Қайси дилни куйдириб, ёнмоқдасиз.

Ёнса битта дил ёнар деб ўйламанг,  
 Бевафолар боғига кўп бўйламанг,  
 Ўзгаларга ёлғон ишқдан сўйламанг.  
 Куйдириб, биздан нечун тонмоқдасиз,  
 Қайси дилни куйдириб, ёнмоқдасиз.

Бўйнингизда осилиб туморларим,  
 Қолди кўнглимда куйиб оҳ, зорларим,  
 Ёш бўлиб кўздан оқар хуморларим,  
 Куйдириб, биздан нечун тонмоқдасиз,  
 Қайси дилни куйдириб, ёнмоқдасиз.

Ишқни дилдан ўчириб бўлмас экан,  
 Дилни дилга кўчириб бўлмас экан,  
 Бевафони кечириб бўлмас экан.  
 Куйдириб, биздан нечун тонмоқдасиз,  
 Қайси дилни куйдириб, ёнмоқдасиз.

Бўлдими?.. Дилни ўйиб, суйганлариз,  
 Қайда қолди оҳ уриб, куйганлариз,  
 Сиз суйиб, бағримга бош қўйганлариз,  
 Нур Бободан сиз нечун тонмоқдасиз,  
 Қайси дилни куйдириб, ёнмоқдасиз.

## ХУР ҚИЗ

Қирқга кириб ҳали очилмаган гул,  
Ифори думокка сочилмаган гул,  
Қошлари ҳилол гул, сочлари сунбул.  
Бўз булбул қошингга йўламадими?

Сенга ҳавас қилар райҳон, ялпизлар,  
Маъюс нигоҳларинг неларни излар,  
Ёнингдан кикирлаб ўтган хур кизлар  
Юзингдан иболар тиламадими?

Қирқ йилки, кўксингни силаб отар тонг,  
Юзингдан ўшиб, бахт тилаб отар тонг,  
Сийнангга рангини белаб отар тонг.  
Сочингни саболар силамадими?

Бағрингга беланган бахтинг тумори,  
Ҳали кўз очмаган кўзинг хумори,  
Кўнглинг кумсаб кутган ўша дилдоринг,  
Гул бериб қўйингга беламадими?

Сени кўриб куйдим, дил-бағрим кулдир,  
Менга қараб бир кул, мени ҳам кулдир,  
Юзларинг, кўзларинг, сўзларинг гулдир.  
Бирор дил дилингни уламадими?

Қирқга кириб ҳали севилмаган қиз,  
Келинлик кўйлаги кийилмаган қиз.  
Ифори райҳон сиз, ифори ялпиз.  
Қапалак болингдан тиламадими?

## ҚИРДАГИ ҚИЗ

Лолазор қирда мен бир қизни кўрдим,  
 Ёноқлари ёнар хур қизни кўрдим,  
 Ойқобок, тишлари дур қизни кўрдим.  
 Қизмисан, бир қизки, ойми ё малак,  
 Осмонда ой бўлак, қирда ой бўлак.

Гулга тегса гуллар ёнар ловиллаб,  
 Сувга тегса сувни бол қилади лаб,  
 Қошларини ҳилол кучади улаб,  
 Қошмисан, бир қошки, кайрилма малак,  
 Осмонда ой бўлак, қирда ой бўлак.

Чечаклар пойини опичлар зор-зор,  
 Лолалар уёлиб чекади озор,  
 Сочида Қумушнинг кўзмунчоғи бор.  
 Сочмисан, бир сочи, зулфи зар малак,  
 Осмонда ой бўлак, қирда ой бўлак.

Кўксини жилолаб ётар тумори,  
 Кўзларида ёлқинланар хумори,  
 Нур Бобо кўнглининг ёлқин баҳори,  
 Кўзмисан, бир кўзки оху кўз малак.  
 Осмонда ой бўлак, қирда ой бўлак.



## АНДАЛИБ НАЙИН ЧАЛАР

Андалиб найин чалар,  
Ифорга зор бўлганидан,  
Кўкка етгай ноласи  
Бағрини гул юлганидан.

Беҳабар юлдузчалар,  
Ерга тушдик деб йиғлашар,  
Кўз ёшин шабнам килиб  
Япроғига илганидан.

Ой булут пардасига  
Ойдин юзини яширур,  
Андалиб фарёдлари  
Кўк бағрини тилганидан.

Қай чечак юзига бош  
Кўймоқни билмай куядир,  
Найининг навосига  
Шайдо бўлиб келганидан.

Рапк ўтида ёнадур,  
Ҳар гулга бир парвонадир,  
Гул юзини сийпалаб,  
Сарин сабо елганидан.

Йиғлагай най тўлганиб,  
Нолишга тўлгайдир наво,  
Тонг шафақ қарсақ чалар,  
Ахволига кулганидан.

Субҳидам кўк бағридан  
Ифорни излаб чарх урур,  
Ҳам сабони қувлагай,  
Дилга алам тўлганидан.

Отанг сени менга бермади,  
 Пешонаси шўр бола, деди.  
 Сени алдаб, сени юпатиб,  
 У бир етим, ғўр бола деди.

Отанг сени менга бермади,  
 У бир ғариб гўл бола, деди.  
 Мени кўриб қолиб бир куни:  
 “Қизим севмай ўл бола”, деди.

Отанг сени менга бермади,  
 Сени гўзал қалам қош деди.  
 Мени эса сағир бир овсар,  
 Турқи ёмон, бағритош, деди.

Отанг сени менга бермади,  
 Қизим сени у тенгинг эмас,  
 Дея назарига илмади,  
 Совчиларим қайтиб бормади.

Улар сени менга бермайин,  
 Яқин бойваччага сотдилар...  
 Мен ғарибни қарғаб, тақдирим  
 Олис-олисларга отдилар.

Охир азобларин тортдилар...



## ЕТИМ ҚИЗ

Жовдираб карайсан ўгай онанга,  
Кейинги юмушни қўрқиб, кутасан.  
Қачон бахт, битилур, шўр пешонанга,  
Десалар, уёлиб, калқиб кетасан.

Ўйин деганларин танийсанми ҳеч?  
Бирор кун ўтириб нон ейсанми ҳеч?  
Тонг отгандан токи тушгунича кеч,  
Бир йулдан чопқилаб минг бор ўтасан.

Қарғашар: “Э турқи курсин юзингни,  
Сен етимни тузи йўқдир сўзингни,  
Эртага бу уйдан ўчир изингни!”  
Қачонгача шундай заҳар ютасан.

Ойнинг ҳам юзини булут тўсади,  
Бир еганни етим ўн бор кусади,  
Пакана бўйгинанг қачон ўсади,  
Қачон қошларингга ўсма тутасан?

Балки мен ноҳақман, етмаган фаҳмим,  
Сенга кўзим тушса, ошади ваҳмим,  
Эгилган каддингга келади раҳмим  
Узатсанг ойга кўл етмас, нетасан?

Ҳакинг йўқдай гуё, ўйнасанг, кулсанг,  
Кийинсанг, тарансанг, қувончга тўлсанг,  
Дугонанг тўйига бормоқчи бўлсанг,  
Опанг эскисини бир-бир титасан.

Бирор гуноҳ килсанг титрайсан зир-зир,  
Эртадан кечгача югур-ҳо югур,  
Бунча шўр бўлмаса пешонанг курғур,  
Ўзинг гулшанингда ўзинг бутасан.



Ўсма нималигин билмас қошларинг,  
Йиғласанг кўринмас кўзда ёшларинг,  
Бошнга ёғилур хапшак тошларинг,  
Қачон кўзларингга сурма суртасан.

Қўлларинг қабарар шу сенга хина,  
Ўзингдан ўзингга қиласан гина,  
Ёстигинг остига сен астагина  
Ўғирлаб, котган нон қўйиб ётасан.

Ўксима, бир куни тўлин ой бўлиб,  
Келинчак бўласан бахтга бой бўлиб,  
Юрасан кўзларинг қувончга тўлиб,  
Бахтиёр кунларга бир кун етасан.

Бу осмон поёнсиз, бу осмон азим,  
Ҳали тўйлар кўриб, қурасан базм,  
Нур Бобо акангга қиласан таъзим,  
Уни ҳам эслаб хатлар битасан.

Ҳамма хур қизлардан ўтиб кетасан.



## ОТАНГ ҚАДРИНИ БИЛ

То бошингда бор отанг қадрини бил,  
Мехрибон, дилдор отанг қадрини бил.  
Қадрима етсин десанг бир кун болам,  
Бошидан зар соч отанг қадрини бил,  
Чекмасин озор отанг қадрини бил.

Отанинг айтганлари амри Худо,  
Айлагил айтганларин кўнгилга жо.  
Минг тавоф айлаб, пойига сажда қил,  
Ким уни хор айласа, бўлгай адо.  
Султону, сарвар отанг қадрини бил.

Отанинг қарғишини олган ёмон,  
Бир умр азобда қолгай таңда жон.  
Тақви-лаънат бўйниниға, кўзингда ёш,  
Ҳурматингдан қолмагай ному-нишон,  
Бўлмасинлар хор отанг қадрини бил.

Ол отанг дуосини ўтмай туриб,  
Бўл қувват дард жисмини тутмай туриб,  
Етмагай муродига кимки агар,  
Юзига дуосини суртмай туриб.  
Тоғинг у, тумор отанг қадрини бил.

Яхшилар ота хакини оқлагай,  
Қадрини қалбин тўрида сақлагай,  
Нур Бобо ҳар ҳақ сўзинг салмоғини,  
Яхшилар даврасида бир йўқлагай.  
Солиҳу сардор отанг қадрини бил.

## ҚИЗЛАРНИНГ

Кўзим ўйнаб, ўйнаб кетади,  
Кўзларини кўрсам қизларнинг.  
Кўнглим бирам қувнаб кетади,  
Юзларини кўрсам қизларнинг.

Ёноқлари ёнган лоладай,  
Кўнгиллари сирли ноладай,  
Соч торлари ипак толадай,  
Дил торлари билсам қизларнинг.

Зулфларини бурмалайди хол,  
Дудоқлари дилга пуркар бол.  
Йигитларни айлайди беҳол,  
Рафторлари билсам қизларнинг.

Мавжланади кўзларда хумор.  
Ҳар кокилда жамалак тумор  
Лаб буришлар ёлғончаки ор,  
Ёнларига келсам қизларнинг.

Чехралари офтобга олқиш,  
Ловиллайди офтобдай боқиш,  
Топганлари дилга ўт ёқиш,  
Кўзларига қулсам қизларнинг.

Кўзим ўйнаб, ўйнаб кетади,  
Кўзларини кўрсам қизларнинг,  
Кўнглим бирам қувнаб кетади,  
Юзларини кўрсам қизларнинг.

## ЮЛДУЗЛАР

Осмонда беҳисоб юлдузга қаранг,  
Ёниб ялтирайди ранглар ранг-баранг.  
Хаёлга ҳам сиғмас баҳайбат улар,  
Аммо кўзимизга кўринар аранг.

\*\*\*

Ғунча кулиб-кулиб, гул бўлиб қолар,  
Шамол сўниб-сўниб, ел бўлиб қолар.  
Ловиллаган олов шаштидан тушиб,  
Чўғ бўлур, чўғ сўниб, кул бўлиб қолар.

## ВАТАН

Безаб, кўксингда кош қўйсам,  
Суйиб, кўксингга бош қўйсам.  
Ҳеч бўлмаса бир кошонанг  
Пойдеворига тош қўйсам.

Ой осмонингга ой бўлсам,  
Токка туташган сой бўлсам.  
Исминг – Ватан, мен исмимни  
Сени безар Накқош қўйсам.



## НИДО

Сизга юз минг жаннат бўлгайдир раво,  
 Балки бундан кўпин бергайдир Худо.  
 Шунча йил дўзахи кимсалар билан,  
 Чидаб яшадингиз, Қодирий бобо!

*А.Орипов*

Қайлардан келадир  
 Бир мунгли нидо,  
 Қайларда ётибдир,  
 Бир бобом бўзлаб,  
 Дегайлар: – Бу қандай  
 Кўргилик Худо,  
 Зайнаблар ўқ узди  
 Кўксимни кўзлаб,  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

Мозийдан сўйлаган  
 эдим: гуноҳим,  
 Раънолар, Кумушлар  
 Эди гувоҳим,  
 Отабекларга ҳам  
 Етмади оҳим,  
 Зайнаблар ўқ узди,  
 Кўксимни кўзлаб,  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

Отабек оҳ тортиб,  
 Йиғлади хурр-хурр...  
 Кумушбиби йиғлар  
 Бегини излаб,

Эй, бевафо дунё,  
 Кўзинг очиб кўр!  
 Зайнаблар ўқ узди,  
 Кўксимни кўзлаб.  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

Анварлар йиғлади,  
 Раънолар йиғлар,  
 Фарходлар, Тоҳирлар,  
 Зухролар йиғлар,  
 Мажнунни куйдирган,  
 Сахролар йиғлар.  
 Зайнаблар ўқ узди,  
 Кўксимни кўзлаб,  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

Мирзо Анварга чоҳ,  
 Қазган каззоблар,  
 Олқишлаб олгин дор,  
 Осган қассоблар.  
 Панжара ортида  
 Тинмай азоблаб,  
 Зайнаблар ўқ узди,  
 Кўксимни кўзлаб.  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

Юзга туфурдилар,  
Тузимдан татиб,  
Ўзлари “куйдилар”,  
Ўзлари сотиб.  
“Ўтган кунлар”имни  
Юзимга отиб,  
Зайнаблар ўқ узди  
Кўксимни кўзлаб,  
Жоним қолиб кетди  
Бўғзимда музлаб.

Зулмат эди шунда,  
Тонг яқин эди,  
Уйкудан ўйғотар,  
Бонг яқин эди,  
Тиғлари: “қарс” этган,  
Бир чақин эди.  
Зайнаблар ўқ узди  
Кўксимни кўзлаб,  
Жоним қолиб кетди  
Бўғзимда музлаб.

Умримнинг касрини,  
Ташлашди бузиб,  
Тақдир таркаб кетди,  
Тутундай тўзиб.  
Жоним ришгасини  
Отдилар узиб,  
Зайнаблар ўқ узди  
Кўксимни кўзлаб,  
Жоним қолиб кетди  
Бўғзимда музлаб.

Меҳробдан чаёнлар  
Чиқиб чақдилар,  
Қақшаб қаққирларга  
Бориб чоқдилар,  
Бошимда кўққисдан  
Яшин чақдилар,  
Зайнаблар ўқ узди  
Кўксимни кўзлаб,  
Жоним қолиб кетди  
Бўғзимда музлаб.

Гуноҳим не эди,  
Билмайин қолдим,  
Тонмадим, бор ҳақни  
Бўйнимга олдим,  
Ёвузларни ёлғиз  
Худого солдим,  
Зайнаблар ўқ узди,  
Кўксимни кўзлаб,  
Жоним қолиб кетди  
Бўғзимда музлаб.

Ғафлатга қўяркан  
Кимлардир кимни,  
Разиллик билдирмай  
Бўғди бўғзимни,  
Ватан.. дея тутдим  
Ўққа кўксимни...  
Зайнаблар ўқ узди,  
Кўксимни кўзлаб,  
Жоним қолиб кетди  
Бўғзимда музлаб.

Биламан, мен ўлгач,  
 Тезда тонг отган,  
 Кўзларимдан ёшлар  
 Чикмайин қотган,  
 Мени отганларни,  
 Сотганлар отган.  
 Зайнаблар ўқ узди,  
 Кўксимни кўзлаб,  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

Ғазаб ўти сочиб,  
 Кўзларим тўнди.  
 Алвидо дўстларим,  
 Алвидо энди,  
 Кўзларим ярқ этиб,  
 Очилиб, тинди...  
 Зайнаблар ўқ узди,  
 Кўксимни кўзлаб.  
 Жоним қолиб кетди  
 Бўғзимда музлаб.

\*\*\*

Отанга не қилсанг, болангдан қайтар,  
 Не айтсанг, айтганинг боланг ҳам айтар.  
 Йиғлатсанг йиғлатар, кулдирсанг кулар,  
 Зар сочсанг, бошингга сочилади зар.

### ТИЛГА ЭРК БЕРСАНГИЗ...

Тилга эрк берсангиз,  
   неларни сўйлар,  
 Гуёки шарқираб  
   оққандай сувлар.  
 Нопок сўзлар чиқса,  
   гарчи тилингдан,  
 Булбул юз ўтириб,  
   гунг зоғлар бўйлар.  
 Доно сўзлар айтиб  
   юрсанг дилингдан,  
 Олқишлар оласан,  
   бир кун элингдан.

ТИЛАК

Икки ёрга бахт бўлсин мунчок,  
Бир-бирига бўлсин кўзмунчок.  
Бағрида барқ уриб яшнасин,  
Райҳонлари ранг очиб кучоқ.

Икки ёрга бахт бўлсин тумор,  
Кўзларига кўзлари хумор,  
Бир умр дил-бағри гул баҳор.  
Диллар дилга бўлсин шамчирок,

Юз ёшларга юзланиб юрсин,  
Кувнаб, даври давронлар сурсин,  
Токи дунё тургунча турсин.  
Чеваралар бўлсин овунчок.





## ТИЛЛО ҚИЗИ

Набирам Моҳинага.

Ширин десам, шириндан ширин,  
 Жажжигина маржонгинамсан.  
 Кўзлар мунчок бирига бирин,  
 Тилло қизи, асал Моҳинам.

Киприклари киприк кўғирчок,  
 Манглайида қошлари мунчок,  
 Тушида ҳам ўйнар ўйинчок,  
 Тилло қизи, асал Моҳинам.

Кўзлар ўхшашлиги бир олам,  
 Гуё қайта туғилган онам.  
 Пойимни пойлаган парвонам,  
 Тилло қизи, асал Моҳинам.

Митти “келин” куйлакчаси бор,  
 Куйлакда гул тутмачаси бор,  
 Юзларида бол “кулчаси” бор.  
 Тилло қизи, асал Моҳинам.

Истараси иссиқ хуш қилиқ,  
 Қайсаргина, меҳри бир илиқ,  
 Ширин қизим борингга қулдук!  
 Тилло қизи, асал Моҳинам.

Ўзи бир гул, мужгонлар – маржон,  
 Мисли бизга ато этган жон.  
 Сен соғ юрсанг йўқ бизда армон,  
 Тилло қизи, асал Моҳинам.

Болдан ширин, тиллари ширин,  
Момиккина қўллари ширин,  
Кўзларида сеҳр яширин,  
Тилло қизи, асал Моҳинам.

Кўркинҗдан кетмасин нақшлар,  
Изларинҗдан ёғсин олқишлар,  
Сочларинҗдан сочай сочкилар,  
Тилло қизи, асал Моҳинам.

Кўз тегмасин, сенга бир умр,  
Ҳаёт завқин бир умр симир,  
Юз ёшларда момо бўлиб юр.  
Тилло қизи, асал Моҳинам.

Сочларинҗни силаб саболар,  
Юзларинҗдан ёғсин иболар,  
Келин бўлиб олгин дуолар  
Тўйларинҗни кўрайин мен ҳам.

Тилло қизи, асал Моҳинам.



## ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Ортингга кайрилиб боқсанг бир киё,  
 Дунёга келганинг кечадай гуё.  
 Ўтган кунларингни ўлчамоқ бўлсанг,  
 Умр бу бир чалиб қўйилган наво.  
 Умринг наволими ёки бенаво,  
 Билиб қўй, ўткинчи дунё бу дунё.

Сочингга ок киров ораласа гар,  
 Кипригу қошингга сочилса оқ зар.  
 Умр косасига билгил оз-оздан,  
 Кексалик шошилиб ошини сузар.  
 Билмайсан, кексалик дарди бедаво,  
 Билиб қўй, ўткинчи дунё бу дунё.

Умр зинасини бўлмагай санаб,  
 Ё яхши, ёмонмиз ўтказар синаб.  
 Гуноҳкор гумроҳдир, бегуноҳларни  
 Манглайини Тангрим қўяди силаб.  
 Ё сен пок иймонли, ё дилда риё,  
 Билиб қўй, ўткинчи дунё бу дунё.

Ҳар кимсанинг умри ўлчовли дўстим  
 Айтгил бу дунёга устун бўлган ким.  
 Ҳар кунинг ғанимат, шукр айлагил,  
 Эртага бўлармиз, бўлмасмиз балким.  
 Бир кун ўтса, кўздан кетар бир зиё,  
 Билиб қўй, ўткинчи дунё бу дунё.

Ҳаёт ўхшар мисли очилган гулга,  
 Гоҳ шодлик ифори, гоҳ алам дилга.  
 Кимлар юз йил яшаб, ўтгай бесамар,  
 Кимларнинг бир йили татир минг йилга.  
 Нур Бобо, бўл элнинг дардига даво,  
 Билиб қўй, ўткинчи дунё бу дунё.

## АЛАМ

Ишқимни пинҳон тутганим алам,  
Дардимни ичга ютганим алам,  
Юрак ҳовучлаб ёнгинангиздан  
Бир сўз айтолмай, ўтганим алам.

Ўғирлагансиз ақли-ҳушумни,  
Ҳаловати йўқ ёзу-кишимни,  
Сизни соғиниб, кўрган тушимни  
Фақат сувларга айтганим алам.

Ўртаб ўтолмай армон тоғидан,  
Кўксим кул бўлди ҳижрон доғидан.  
Кезиб мухаббат сирли боғидан  
Чиқолмай, сизни кутганим алам.

Изларингизга пойим парвона,  
Дилингиз дарди бизга бегона,  
Мажнун ёнида мен ҳам девона,  
Саҳрода куйиб, ёнганим алам.

Бағримни тилар аччиқ аламлар,  
Кулар устимдан қоши қаламлар,  
Кўчангизда минг босиб қадамлар,  
Сизни кўролмай, қайтганим алам.

Жоним тасаддуқ жамолингизга,  
Қолибла кетдим уволингизга,  
Бир бор бўлса ҳам висолингизга  
Етолмай, қирқга етганим алам.

Ишқимни пинҳон тутганим алам,  
Дардим ичимга ютганим алам.  
Нур Бобо, куйиб узоқ-узоқдан  
Тўниб, тўниб, тўниб... ўтганим алам.  
Алам, алам, алам, севганим алам.

## СОҒИНТИРДИНГ

Соғинтирдинг.. тушларимга кириб яна,  
 Тўлганаман, ҳаловат йўқ, мен девона,  
 Хазонларга тўлиб кетди кўнгил боғи,  
 Ҳижронингга куйдирма кўп, эй жонона,  
 Хуморимни ёзгил келиб, хуморимни,  
 Бўйнингга кўзмунчок қилай туморимни.

Тушларимга киравериб куйдурдинг-ку,  
 Пора бўлган дил бағримни ўйдирдинг-ку.  
 Офтоб тундан тонгандайин тониб кетиб,  
 Жонларимга тўйдирдингку, тўйдирдинг-ку.  
 Хуморимни ёзгил келиб, хуморимни,  
 Бўйнингга кўзмунчок қилай туморимни.

Туйғуларим ерга тутдай тўкилади,  
 Изларингга изза тортиб тикилади,  
 Сен мурудга етдинг чоғи, етдинг чоғи,  
 Дилни қарғаб қоматларим букилади.  
 Хуморимни ёзгил келиб, хуморимни,  
 Бўйнингга кўзмунчок қилай туморимни.

Кўздан сизар экан сим-сим бағир кони,  
 Муҳаббатнинг махтал бўлиб синса шаъни.  
 Зирқиратар бўғзимгача дил титроғи,  
 Кўзингдаги кўзмунчокдай хумор қани?  
 Хуморимни ёзгил келиб, хуморимни,  
 Бўйнингга кўзмунчок қилай туморимни.

Соғинчлардан юрак-бағрим тилим-тилим,  
 Қон қақшатиб кетдинг ахир, сарвигулим.  
 Ўлгунимча кетмас энди юрак доғи,  
 Сени қўмсаб..., қўмсаб, қўмсаб соч-сунбулим.  
 Нур Бобони ёзгил келиб, хуморини,  
 Бўйнингга кўзмунчок қилсин туморини.

ОТА-ОНАНГ ХОР АЙЛАСАНГ...

Ота-онанг хор айласанг  
Гар, хор бўлурсан бир умр,  
Олқиш ололмай меҳрига,  
Сен зор бўлурсан бир умр.

Олма улар қарғишини,  
Бошинг эгиб қил хизматин,  
Хакнинг азоб лаънатига,  
Дучор бўлурсан бир умр.

Билсанг бошингга ёғулур,  
Таъна маломат тошлари.  
Алам азоби ичра сен,  
Бемор бўлурсан бир умр.

Икки дунё юзинг қаро,  
Бўлгай қиёматга қадар.  
Кўзингга уйқу келмайин,  
Бедор бўлурсан бир умр.

Неки қилсанг сен уларга,  
Бир кун болангдан қайтадир.  
Юз угирса, изларига,  
Хумор бўлурсан бир умр.

Ота-она изларини,  
Зарга ўраб юр Нур Бобо.  
Зарга ўралиб, калбига,  
Тумор бўлурсан бир умр.

## ВИСОЛ

Эй Куёш, чараклаб зарларингни соч,  
 Янги бахт хуморин оғушингга ол.  
 Эй, хижрон, бу бахтнинг йўлларида қоч!  
 Кўнгил сирларидан сўйласин висол.

Тўлин ой,  
 Самода сузгил беармон,  
 Толега тилла қош кўйгил, эй ҳилол.  
 Юлдузлар,  
 Бу бахтга сочингиз маржон,  
 Муҳаббат кўшигин куйласин висол.

Сайроки булбулжон, жўш уриб сайра,  
 Наволари бўлгил чашмадай зилол.  
 Кўксига бош кўйиб, тавофлар айла,  
 Алқаб, алқаб, сайра, тонмасин завол.

Эй, гулу, райҳонлар, ифор сочингиз,  
 Атиргул олқишлаб оғушингга ол.  
 Ошиқлар, бу бахтга кучок очингиз,  
 Сизларга ёр бўлсин  
 Тоъле-ю, висол.



## СИЗНИ ҚАНДАЙ ЭРКАЛАЙ

Эрка қизлар, сизни қандай эркалай,  
Ноз-карашма, тамоннолар бир талай.  
Кадди-бастингиздан ўзим ўргилай,  
Эрка қизлар, сизни қандай эркалай.

Бизга шама қилиб лаблар бурасиз,  
Кулиб, бировлардан бизни сўрайсиз,  
Ёнингизда юролмай мен юраксиз,  
Эрка қизлар, сизни қандай эркалай.

Юзларингиз офтобни ҳам куйдирар,  
Ишқингизда қанча диллар куйдилар,  
Карағималар бағримизни уйдилар.  
Эрка қизлар, сизни қандай эркалай.

Лолалардай ёниб юрар юзларсиз,  
Оҳулар оҳ урар қаро кўзларсиз,  
Бир ёқимли, бирам сулув қизларсиз,  
Эрка қизлар, сизни қандай эркалай.

Эрка ойлар қаламдай кўз-қошингиз,  
Нозлардан ҳеч бўшамайди бошингиз,  
Бизларни ҳам эркалашга шошингиз.  
Эрка қизлар, сизни қандай эркалай.





## ОЙПАРИ

Ёнокларда ёнар зулфингиз зари,  
 Кўзимни ўйнатар кўрганим сари,  
 Қалам қош, қора кўз, мижгонларингиз,  
 Кимларга кўзмунчок, кимнинг гавҳари?  
 Сиз сулув, жайрон кўз кимнинг дилбари?  
 Ёки сиз осмондан тушган ойпари.

Қошлар камонига ҳайрондир хилол,  
 Маржондай мавжланар ёноқдаги хол.  
 Шарбатга тўлдирмиш муҳаббат жоми,  
 Қирмиз дудоқларда балқиб ётган бол.  
 Сиз сулув, жайрон кўз кимнинг дилбари?  
 Ёки сиз осмондан тушган ойпари.

Офтобнинг чехраси – юзингиз кўрки,  
 Чаманлар чиройи – ҳуснингиз мулки,  
 Ёки сутга чайган онангиз сизни,  
 Ўзингиз ой бўлиб туғилган балки.  
 Сиз сулув, жайрон кўз кимнинг дилбари?  
 Ёки сиз осмондан тушган ойпари.

Тонгга чехра чизар чаман юзингиз,  
 Субҳидам аслида сизни синглингиз,  
 Кўкдай кўксингизда ой ухлар кулиб,  
 Олам кулгучлари сизни кўнглингиз.  
 Сиз сулув, жайрон кўз кимнинг дилбари?  
 Ёки сиз осмондан тушган ойпари.

Ёноқларда ёнар зулфингиз зари,  
 Кўзимни ўйнатар кўрганим сари.  
 Қаро кўз, қошларни кучар мижгонлар,  
 Сиз кимга кўзмунчок, кимнинг гавҳари?  
 Сиз сулув, жайрон кўз кимнинг дилбари?  
 Ёки сиз осмондан тушган ойпари.

## КЎЗЛАРИМДА КУЯР ХУМОРИМ

Қотиб қолди дилда армоним,  
Қуриб қолди таъда дармоним,  
Ўтар сенсиъ умр қарвоним.  
Висолингга етолмадим ман,  
Қўлларингдан тутолмадим ман.

Ҳижрон билан талашар жоним,  
Бағримга чўт қалашар жоним,  
Кўзларимдан сизган ёпи-коним.  
Қалбингни ром етолмадим ман,  
Қўлларингдан тутолмадим ман.

Кўзларимда куяр хуморим,  
Чириб борар сабр чинорим,  
Чўкмоқда кўз ёшимга зорим,  
Ниғоҳларинг тутолмадим ман,  
Қўлларингдан тутолмадим ман.

Тутун бўлиб ўрмалар фиғон,  
Томиримда кўпиради кон,  
Танямни тарк айлагандай жон,  
Дарцим ичга ютолмадим ман,  
Қўлларингдан тутолмадим ман.

Кўзларимни узолмай сендан,  
Кўнглимни тарк етолмадим ман.



## ОНАЖОНИМ

Узун тунлар кириб чикса тушларимга,  
 Кўзим тиниб келолмайман хушларимга,  
 Тишларининг оқларидай тишларимга  
 Сутга чайиб, садаф таққан Онажоним.

Опичларин соғинчлари кўзларимда,  
 Ўпичларин ширалари юзларимда,  
 Тилларининг қаймоклари сўзларимдан  
 Асал бўлиб, сизиб оққан Онажоним.

Кўксим тўлиб кўпиради ардоклари,  
 Кўзларимдан экан маржон мунчоқлари.  
 Бирам иссиқ, бирам хузур, кучоқлари,  
 Мехробидан меҳр тўккан Онажоним.

Ок сутининг сизгилари-оқ сочларим,  
 Кўзларидан кўчиб ўтган қувончларим,  
 Дил-бағрида очилган бу кучоқларим,  
 Лабларимда лаби оқ канд Онажоним.

Бешик учун яралган у ок билаклар,  
 Факат бола учун яшар у юраклар,  
 Оқ булутдай кўкка сузар ок тилаклар,  
 Жонга меҳр кўшиб тўккан Онажоним.

Узун тунлар кириб чикса тушларимга,  
 Кўзим тўниб, келолмайман хушларимга,  
 Тушларининг оқларидай тишларимга  
 Сутга чайиб, садаф таққан Онажоним.

БАҲОР БЕЗАКЛАРИ

Дастурхонга тортиқ тансиқ  
сумалаклар,  
Онамларнинг азал орзу-  
тилаклари.

Чинорларни кучиб кўнган  
Оқ лайлаклар -  
Келинларнинг бешик кучган  
билаклари.

Йигитлар мард,  
Ботир бўлса,  
Эл олқишлар,  
Бўлсалар шерюрак,  
Бургутдай боқишлар.  
Сарҳадларим кўриётган  
Алпомишлар -  
Олов юрак Тўмарислар  
Юраклари.

Бинафшанинг юзлари ой  
қулчалари.  
Чечакларга чирой тутар  
гулчалари,  
Навдаларнинг қатор маржон  
ғунчалари -  
Ойбарчиннинг кўзмунчоғин  
Бўлаклари.

Райҳонларнинг пойин ўпар  
гул чечаклар,  
Шабнамлардан шарбат ичар  
мойчечаклар,

Ёналарда боғлам-боғлам  
бойчечаклар –  
Кумушбиби таққан олтин  
зираклари.

Гидам бўлиб гул чечаклар  
очилгайлар,  
Балқиб-балқиб бойчечаклар  
очилгайлар,  
Сийнасига севинчларим  
сочилгайлар,  
Япроқлари-момом адрас  
желаклари.

Бирам гўзал боқишлари  
жайронларнинг,  
Тўйиб-тўйиб шимираман  
айронларни.  
Ерни тегиб пишкирган ул  
жийронларнинг  
Оғзидаги кўпирган оқ  
сўлаклари.

Шабнамларнинг ялтираши –  
оқ тилаклар.  
Мажнунтолни кокилида  
жамалаклар.  
Қирларнинг қошлари-камон  
камалаклар-  
Гул сайлига чиққан қизлар  
йўлаклари.

Қалдирғочнинг қанотида  
севинчларим,  
Жилғаларда шилдираган  
Кулгиларим,  
Капалакнинг кучоғида  
соғинчларим.  
Қанотлари – чечакларнинг  
йўрғаклари.

Турналарга мовий осмон  
Очди кучоқ,  
Йулларига юлдузлардан  
Сочди мунчок,  
Уларга кўз олайтирма  
Эй, сен олчок!  
Қандай гўзал, арғимчи-ю  
гиламлари.

Шитир-шитир ёмғирларнинг  
ёғишлари,  
Суйиб сойга оймомонинг  
оғишлари,  
Онамларнинг говмишдан сут  
соғишлари.  
Кўпирган ок сутга тўлар  
челақлари.

Ҳар баҳорда  
Лапар,  
Чилик  
Ўйнаб ўсдим,  
Лолақизғалдоқлар териб  
Қувнаб ўсдим,  
Гуллар тутиб, кизлар қалбин  
Сийлаб ўсдим.  
Отамлардан колган лапар,  
Чиликлари.

От кишнаши – йигит орин  
кўшиқлари,  
Очиқ бўлсин дегани уй  
Эшиклари,  
Чақалокқа тўлсин келин  
бешиклари.  
Қўлбоғ бўлсин отасининг  
белбоғлари.

Ҳар баҳорда Наврўз келин  
Бўлиб келсин,  
Тўйлар бўлсин, яшнаб  
бахтга  
Тўлиб келсин,  
Омон бўлсин  
Ўзбек элим,  
Ўйнаб кулсин,  
Кўксингдан кетмасин  
Баҳор безақлари.

## КЕЛАҚОЛ, БАҲОР

Қорни кувиб, қирлар кўксин оч, Кўксимдан қиш ғубори қочиб,  
 Бойчечаклар очилсин энди, Тескаклардан кетсин аёзлар,  
 Ялпизларинг, райхонларинг соч, Қалдирғочга кучоқлар очиб,  
 Ифорлари сочилсин энди. Айвонимга қўнсин баёзлар.  
 Тарат тезроқ муаттар ифор, Наволарга тўлиб ҳар наҳор,  
 Тезроқ яшнаб келақол, баҳор. Тезроқ яшнаб келақол, баҳор.

Сув бўйида сулув мажнунтол, Сувсанбилга эртақлар суйлаб,  
 Сочин тараб пўпаклар тақсин. Бир бўйласин яна ялпизлар,  
 Жилғаларда жимирлаб зилол, Лолақизғалдоқларни сийлаб,  
 Шилдир-шилдир сувлари оқсин. Зулфларига илсин ғул кизлар.  
 Сени қумсаб, кўзларда хумор, Кўксим тўла соғинчларим бор,  
 Тезроқ яшнаб келақол, баҳор. Тезроқ яшнаб келақол, баҳор.

Сапсарларни силаб қаноти, Атиргуллар яшнаб боғларда,  
 Капалаклар шабнамлар ичсин. Бинафшага буркансин олам,  
 Булбулларнинг дилхуш баёти, Бодом қийғос гуллаб тоғларга,  
 Сархуш айлаб, дилларни кучсин. Бир севинай, кўлимда лолам.  
 Сапсарлардан сачратиб оҳор, Наврузга тоқ гуллардан тумор,  
 Тезроқ яшнаб келақол, баҳор. Тезроқ яшнаб келақол, баҳор.

Ёмғирларда қирлар чўмилиб,  
 Бинафшалар ювсин юзини.  
 Қир-адирлар гулга кўмилиб,  
 Бол булоқлар очсин юзини.  
 Олам узра қолмасин ғубор,  
 Тезроқ яшнаб келақол, баҳор.

## КЎКСИМДАГИ ГУЛ

Кўнглимда сиз гунча отган гул,  
Гунчалари ханда отган гул,  
Дилгинамнинг кўзмунчоғисиз,  
Сиз кўнглимни силаб ётган гул,  
Кўксим тўлиб кулиб ётган гул.

Соғинчимиз эгизак экан,  
Севинчимиз эгизак экан,  
Дилларимиз бир безак экан,  
Сиз кўксимда тонглар отган гул,  
Кўксим тўлиб кулиб ётган гул.

Кўксимдаги зилолгинамсиз,  
Қоши қаро ҳилолгинамсиз,  
Кўнглимдаги ниҳолгинамсиз,  
Сиз кўксимда тўлиб ётган гул,  
Кўксим тўлиб кулиб ётган гул.

Ёлқинланиб ёниб юрасиз,  
Ёрқинланиб тиниб турасиз,  
Кўзларимга тўниб юрасиз,  
Кўзларимга тўниб ётган гул,  
Кўксим тўлиб кулиб ётган гул.

Кўнглимда сиз гунча отган гул,  
Гунчалари ханда отган гул,  
Нур Бобонинг кўзмунчоғисиз,  
Сиз кўнглимни силаб ётган гул,  
Кўксим тўлиб кулиб ётган гул.

## ЯНГИ ЙИЛ

Ўтиб бораётир янги бир йилим,  
 Оппоқ қор куйнида сирли мунғайиб.  
 Олқишлаб келмоқда янги бир йилим,  
 Кўнглим кулиб қўяр бир ёш улғайиб.  
 Дилимни ўкситиб ўтар бир ёшим,  
 Жилмайиб қўлимдан тутар бир ёшим.

Ёгаётган қормас, хайрлар ёғар,  
 Кузатиб ёшимни, қутлаб ёшимни,  
 Қорқиз кокилида ялтирайди зар,  
 Қорбобони кучиб, эгдим бошимни.  
 Дилимга таскинлар битар бир ёшим,  
 Жилмайиб қўлимдан тутар бир ёшим.

Оқ қор парчасида дилим ўкинчи,  
 Айланиб-айланиб кўксимга кўнар,  
 Арчанинг мавжида дилим севинчи,  
 Киприкда севинч ёш, кўзларим тўнар,  
 Аламини ичга ютар бир ёшим,  
 Жилмайиб қўлимдан тутар бир ёшим.

Янги йил кўшиғин куйлайди башар,  
 Жумлаи жаҳонга шодлик шовқини,  
 Юрагимда яна янги йил яшар,  
 Қалбимга белейди шуур завқини.  
 Бугун ноёнига етар бир ёшим,  
 Жилмайиб қўлимдан тутар бир ёшим.

Янги йилни қутлаб ёғаверсин қор,  
 Оқ лайлақлар ёғсин, чечаклар ёғсин.  
 Оқ қорнинг мавжида барқ урсин баҳор,  
 Мушаклар порласин, олқишлар оқсин.  
 Ўтмишга айланиб кетар бир ёшим,  
 Жилмайиб қўлимдан тутар бир ёшим.



## САЙРА БУЛБУЛЖОН

*М.Юсуфнинг рафиқаси Назира  
Ас-Саломнинг айтганлари*

Баҳор келди яна  
Эргаклар айтиб,  
Қир-адирлар яна  
Қирмиз гул ёноқ.  
Кувнок калдирғочлар  
Келдилар қайтиб,  
Қирдан сизни сўраб  
Чикди қизғалдоқ.  
Мен эса ҳали ҳам  
Ғамгин чалажон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Ҳар баҳор ёнади  
Эгиб бошини,  
“Пешонаси йўқ” бир  
Қизғалдоғингиз,  
Артган эдингиз-ку  
Кўздан ёшини,  
Бағрига қон бўлиб  
Ётгай доғингиз.  
Уни мен ҳам қучдим,  
Бағри тўла қон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Ҳануз ўкинаман,  
Кўзим узолмай,  
Чечак бўлиб қулган  
Қизларингиздан.

Кўзим маънос, боқар,  
Сизга сузолмай,  
Гуноҳкорман гуё  
Қизларингиздан.  
Уларнинг бўйнига  
Тақаман маржон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Бундай соғинчларни  
Қайдан ҳам билай,  
Ялпизлардан сизни  
Кўмсаб уёлдим.  
Булбулжоним кел бир  
Эркалаб, силай,  
Райҳондан ёлвориб  
Ифорлар олдим.  
Дардимни қайтадан  
Айлайин баён,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Кўкламойим келди  
Сизни соғиниб,  
Изингизга сочиб  
Гул япроқларни,  
Сизни ўпган ўша  
Қизни соғиниб,  
Капалаклар ўпди  
Қизғалдоқларни.

Бу сир капалаг-у,  
Бир сизга аён,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Тўнаман, оккушлар  
Қанот ёйсалар,  
Тўнаман, лайлаклар  
Айласа парвоз,  
Кўксингиздан униб  
Чиққан майсалар,  
Яшнаб, изингизни  
Айлашар пардоз.  
Майсалар – сиз ёниб  
Куйлаган дoston,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Унинг каби суйиб  
Севганларинг гул,  
Гуллар бирам кўркли,  
Бирамки хушбўй.  
Эй, менинг хушнаво  
Забоним – булбул,  
Кўксига бош кўйиб,  
Сайраб, сайраб тўй.  
О, менинг жонгинам,  
Тиллари бийрон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Жайронлар эркалаб  
Изларингизни,  
Сакраб-сакраб уйнар  
Сўқмоқларида,  
Шундоқкина кўрдим  
Кўзларингизни,  
Осмоннинг чақнаган  
Чақмоқларида.  
Юлдузлар ялтираб,  
Ой ёниб ҳайрон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Билмадим, дилингда  
Қанчалар дард бор,  
Билмадим, қанчалар  
Алам тугилган,  
Қизғалдоққа энди  
Сен бўлгил дилдор,  
Рухидан аслида  
Ўзинг туғилган.  
Маили бағрим куйдир,  
Айлагил вайрон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Озода ой бўлиб  
Осмонга сузар,  
Излайди сизни у  
Сарғиш юз билан.  
Кўз ёши – сачраган  
Мабюс юлдузлар,  
Унга мен қарайин  
Қайси юз билан.  
Унинг ҳам жисмида  
Қолмади дармон,

Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Дилингиз қаърида  
Дилгинам охи,  
Кўзларим хумори-  
Жайронлар кўзи,  
Кумрилар додида  
Кўнглим гуноҳи,  
Юзларим ибоси –  
Лолалар юзи.

Қонбағир армонлар  
Жон талашар, жон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Балки ой шуъласи  
Рухингизмикин,  
Балки у юлдузлар  
Маржон ёшингиз,  
Кўкдаги ёлқин ё  
Моҳингизмикин,  
Ё ҳилол сизни ром  
Этган қошингиз.  
Барибир сизга мен  
Хур мохитобон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Сайрайвер, бонг урсин  
Дилимиз тори,  
Наволар безасин  
Дил дафтаримни,  
Райҳонга ийиди  
Кўнглим ифори,  
О, бокий булбулим  
Сайра беармон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

Куйлайвер муҳаббат  
Сирларидан байт,  
Сен учун дилларга  
Очилган эшик,  
Муҳаммад тилидан  
Куйлаб шеърлар айт.  
Оламга янгрисин  
У айтган қўшиқ,  
Ошиқлар дилида  
Қолмасин армон,  
Сайра булбул, сайра,  
Сайра булбулжон.

ОВОРАМАН

Мен малак кўзларига тўймай қараб овораман,  
Сочларин бармоқларим бирла тараб овораман,

Мисли ўқ мужгонлари кўксимга тиғдай санчилар,  
Ўлдириб қуймасмикан дея сўраб овораман.

Лолалар бозоридир лўппи ёноқлар ранглари,  
Олмасин алвсен дея гулга ўраб овораман.

Тўймагай дил косаси қирмизи лаблар болидан,  
Икки дил дудоғидан бир бол тилаб овораман.

Гар соғинч аламлари кўзларни хумор айласа,  
Кўз ёшимга кипригу, кўксим булаб овораман.

Ялтирар зулф остина ёқут мисоли дона хол,  
Ўпмасин шу холни деб зулфин бураб овораман.

Қайрилиб шамшир мисол, қош чимрилиб тиғ тортадир,  
Тилмасин бағримни деб қошин силаб овораман.

Нур бобо ёр кўнглини дилга ўраб олмоқ учун,  
Кеча-ю-кундуз куйиб, кўнгил улаб овораман.



## ЙЎЛИҚДИМ

Қайдан ҳам кўрдим сени,  
Балоларга йўлиқдим,  
Тенги йўқ бир париваш  
Сулолага йўлиқдим.

Зумрад соч толаларинг  
Елканг оша товланар,  
Шаршарангдан сочилган  
Шалолага йўлиқдим.

Тўлин ойга на ҳожат,  
Ой оқади юзингдан,  
Лайли нима, бир гўзал  
Зилолага йўлиқдим.

Қош эмас у кўкдаги,  
Қўнган қўша ҳилолдир.  
Чимирилган чиройли  
Ҳилолага йўлиқдим.

Қаймоқ томар сўзлардан,  
Асал – дўндик дудоқлар,  
Шарбатга тўла қирмиз  
Пиёлага йўлиқдим.

Қайдан ҳам кўрдим сени,  
Балоларга йўлиқдим.  
Тенги йўқ бир париваш,  
Сулолага йўлиқдим.

БАХТ ДЕГАНИ....

Бахт дегани, аввало,  
Юракка ишқ тушгани,  
Икки кўнгил торини  
Бирга қўшиб эшгани.

Олтин, лаълга сотилмас,  
Дур, гавҳарга топилмас,  
Икки дилни пайвандлаб,  
Бир-бирига қўшгани.

Бахтли бўлай десангиз,  
Меҳр ёғсин кўзлардан,  
Тилингиздан бол томсин,  
Асал томсин сўзлардан.

Бирингиз бирингиздан  
Меҳрни қизғанмангиз,  
Чехрангиз чироғ бўлиб,  
Нур таралсин юзлардан.



## СУЛУВ ҚИЗ

Қоши қалам сулув қиз,  
 Кўзлари ёнар юлдуз,  
 Изларингни кувлашар  
 Хаёлларим изма-из.

Лабинг гул япроғидан,  
 Бол томар дудоғингдан,  
 Тўниб-тўниб тўймадим  
 Нигоҳинг ардоғидан.

Эшит дилим зорини,  
 Олгин кўнглим борини,  
 Майли буйнимга дор қил  
 Кокилларинг торини.

Ойим бўл, осмон бўлай,  
 Бошпаноҳ, посбон бўлай.  
 Рози бўлсанг бир умр  
 Қошингга меҳмон бўлай.

Қоши қалам сулув қиз,  
 Кўзларинг ёнар юлдуз,  
 Изларингдан юради  
 Хаёлларим изма-из.



## ЁҚУТ ЮЛДУЗЛАР

Ҳой, юлдузлар, қолмайсиз ҳеч ёнишлардан,  
Товланасиз, қолишмайсиз товуслардан.  
Ҳар тун сиздан кўзларимни узолмайман,  
Порлаб туринг, майли олис-олислардан.

Сизга етмас учқур тубсиз ҳаёлим ҳам,  
Бўлолмайсиз менга ҳамдард, дардга малҳам,  
Сизни кучар узоқлардан жисму-танам.  
Порлаб туринг, майли, олис-олислардан.

Кундузлари яширасиз ўзингизни,  
Куёш олган ял-ял ёқут юзингизни,  
Кўз-кўз айлаб тонгда Зухро – қизингизни,  
Порлаб туринг, майли, олис-олислардан.

Сочилгансиз азим осмон кучоғида,  
Очиласиз ял-ял порлаб тун чоғида,  
Ойга чирой ўргатасиз ҳар ёғидан,  
Порлаб туринг, майли, олис-олислардан.

Яралгансиз сулувларнинг дил заридан,  
Нур олгансиз фаришталар кўзларидан,  
Жилмаясиз мовий кўкнинг кучоғидан,  
Порлаб туринг, майли, олис-олислардан.

Ҳай юлдузлар, қолмайсиз ҳеч ёнишлардан,  
Товланасиз, қолишмайсиз товуслардан.  
Ҳар тун сиздан кўзларимни узолмайман  
Порлаб туринг, майли олис-олислардан.



## БЕГИМ

Уёламан, рўмолимни олманг, бегим,  
 Нозларимни юзларимга солманг, бегим.  
 Муродимга эндигина ёниб етдим,  
 Майли, энди ҳеч ортимдан қолманг, бегим

Ширин тушлар кўриш эртақ бўлди, энди,  
 Интиқ диллар бир-бирига қўнди энди,  
 Кўзимизда соғинч ёшлар тинди, энди,  
 Мени ташлаб бошқа дилга ёнманг, бегим,

Ишк дегани окизаркан кўздан қонни,  
 Мен ҳам кўрдим сахро деган бир маконни,  
 Бу муҳаббат ёқар экан жисму-жонни,  
 Мажнун бўлиб қумга соя солманг, бегим.

Юзларимни тиниқ, тўлин ой дедингиз,  
 Қошларимни гоҳ қалам, гоҳ ёй дедингиз,  
 Дудоғимни болга тўла бой дедингиз.  
 Булбул каби сайраб-сайраб толманг, бегим.

Айтгандингиз ойни олиб бераман деб,  
 Кўзларимни боғлаб дорга юраман деб,  
 Мен кўчангда йиллаб бедор тураман деб,  
 Бевафолик қилиб яна тонманг, бегим.

Ишқимизнинг гунчалари очилган чоғ,  
 Пешвоз чиқиб гулингизга очай кучоқ,  
 Қошларингиз бўйним узра бўлсин мунчоқ,  
 Бу гул қолиб, бошқа гулни олманг, бегим.

## ШУКРОНАЛИК

Пешонам кенг экан билсам,  
Жаннат жойда яшайдирман,  
Ойдаи ойдин остонамга  
Гулдан либос тўшайдирман.

Бошим узра мовий осмон,  
Дилим кувноқ – элим омон.  
Тўлин ой бирла ёнма-ён,  
Ҳар чанд учмоққа шайдирман.

Дилим оқ пахтадай оппоқ,  
Сочилган шодлигим ҳар чоғ,  
Иқболимга очиб кучоқ,  
Яшнар куёшу, ойдирман.

Бахтимни дилга жо айлаб,  
Қувончимдан қанот боғлаб,  
Тилагим тун, кун-у, ойлаб,  
Тинч, омонлик тилайдирман.

Бу шундайин чаман диёр,  
Элим – буюк азим чинор,  
Меҳригиё Юртбошим бор,  
Бизни бахтга белаидилар.

Фаравонлик – элим аҳди,  
Бошидан тушмагай бахти,  
Баланддир тоъле – тож тахти,  
Бахту-иқболга бойдирман.

## КОШОНАМГА ҚЎЯЙ ТИЛЛА ҚОШ

Қизим Малоҳатга

Салом сенга улуғ Ваганим,  
 Кучоғингда улғаяр таним.  
 Эркалайман, ўсиб, яйрайман,  
 Булбулдайин кувнаб сайрайман.  
 Кошонамиз чаман-лолазор,  
 Ҳар ёғимиз яшнаган гулзор.  
 Силайдилар эркалаб бошим,  
 Бошим узра чакнар куёшим,  
 Бундайин юрт йўқдир оламда,  
 Бу чаман юрт -асли онам-да,  
 Опицлаган бешикка белаб,  
 Ардоклайди манглайим силаб.  
 Ойбарчиннинг сулув юзиман,  
 Шаҳри Кешнинг эрка қизиман.  
 Осмонимиз мовий, беғубор,  
 Бизда шундай жаннат ўлка бор.  
 Киндик коним томган бу тупрок,  
 Дур кўкаргай чаман ҳамма ёқ.  
 Савлат тўкар Ҳисор тоғимиз,  
 Шарбатларга тўлган боғимиз.  
 Билим олиб, топаман камол,  
 Бунда асло кўрмайман завол.  
 Соғлом бўлиб кучга тўламан,  
 Катта бўлсам олим бўламан.  
 Мен бахтиёр, баркамол авлод,  
 Аждодларнинг руҳин айлаб шод,  
 Доим шаҳдам кадам қўяман,  
 Эл-юртимни жондай севаман.  
 Отланаман зафарли йўлга,  
 Кучоғимни тўлдириб гулга,  
 Бир қўли гул бўлайин наққош,  
 Кошонамга қўяй тилла қош.

## ОШНОМАН

Мен муҳаббат дардининг  
Девонасига ошноман,  
Ошиқ диллар васлининг  
Майхонасига ошноман.

Бевафо ёр хажридан  
Кўнгил қуйиб бўлгай адо,  
Бевафолар базмининг  
Бегонасига ошноман.

Лайлининг васли дея  
Бағрин кабоб қилган ўша,  
Телба Мажнун ҳажрининг  
Ғамхонасига ошноман.

Тегди бошга дард тоши,  
Кўзимда Тохир кўз ёши,  
Сувга оққан севгининг  
Афсонасига ошноман.

Бўзлагай кўнглим қуйиб,  
Гул ишқида бағрим уйиб,  
Чарх урар булбулни минг  
Парвонасига ошноман.

Нур Бобо дил косаси  
Тўлса муҳаббат майига,  
Соқийси бўлган санам  
Мастонасига ошноман.

## ТИНИҚ ТОНГ

Уфқдан тиникиб аста тонг отар,  
 Бошидан рўмолин кўтарди санам.  
 Жилвадор кумушдай ялтираб ётар,  
 Бодомнинг баргида осилган шабнам.

Ёйилди каптарнинг қийма қаноғи,  
 Жайрон ҳам нозланди керишиб кўйиб.  
 Тин олди булбулнинг узун баёти,  
 Зулматнинг бешафқат қаҳридан куйиб.

Олтин оймомонинг окарди ранги,  
 Юлдузлар жилоси кўринмай қолди.  
 Бошланди яна бир мунаввар, янги  
 Ёруғ кун зулматнинг ўрлини олди.

Оқ шойи йўргакка ўраб кирларни  
 Қошига ўсмалар кўйди тилла за р.  
 Оқ пардаси билан тунги сирларни  
 Яшириб, оламни охиста безар.

Бошланди кушларнинг янги баёзи,  
 Оламни безатди янги камалак,  
 Хонишни бошлади ҳаётнинг сози,  
 Куёш зарларидан тақиб жамалак.



## ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

ЭркатоЙ йилларим ортда қолмоқда,  
ЭркатоЙ бошимни эркалаб силаб,  
Янги оқ йўргакка ўраб олмоқда,  
Дилга қувонч улаб, умидлар тилаб.

Қорбобога ўтган кунларим сўйлаб,  
Қорқиз изларига тилақлар сочдим,  
Янги йил оқшоми чин дилдан куйлаб,  
Яна бир ёшимга кучоғим очдим.

Ўтаётган йилнинг оқ сўнги куни,  
Қўлимдан етаклаб, поёнга етдинг.  
Ҳазилми, чинми бу ҳаёт ўйини,  
Яна бир ёшимни етаклаб кетдинг.

Маъюсман, йил ўтиб кетгани учун,  
Ошно бўлиб қолган эди юрагим.  
Шукур, шу кунларга етганим учун,  
Бахтлиман, бўлсайдим элга керагим.

Хуш келдинг мунаввар, қутлуғ янги йил,  
Нурларга тўлдир чин қутлуғ ёшимни,  
Жумлаи жаҳонга қувонч олиб кел,  
Сенинг остонанга эгдим бошимни.



## БИР АЛПОМИШ ...

*Қадрдон дўстим ва синфдошим —  
Б.Ражабов хотирасига*

Яшин каби тарқалди ўлим деган шум хабар,  
Кўкда қора тутунлар кезди шу кун дарбадар,  
Бу дунёдан кўз юмди яркираб ёнган бир зар.  
Дилларни ғамга кўмиб, букулди бир шамшод қад,  
Бир Алпомиш бемаҳал уйқуга кетди абад.

Юракларни ёндирди кўздан оққан ёшлар ҳам,  
Аламларга кўмилиб, бўлиб қолди бошлар ҳам,  
Фарёдларга чидолмай эриб кетди тошлар ҳам.  
Дилларни ғамга кўмиб, букулди бир шамшод қад,  
Бир Алпомиш бемаҳал уйқуга кетди абад.

Айни йигит палласи узилди жон торингиз,  
Ортингизда соч ёзиб, бўзлаб қолди ёрингиз,  
Ўксиб, ўксиб куйдилар элу-халқ дўстларингиз.  
Дилларни ғамга кўмиб, букулди бир шамшод қад,  
Бир Алпомиш бемаҳал уйқуга кетди абад.

Қалбда кўнган даҳшатли, қайғу, ғам-алам ўлсин,  
Алвидо, эй Алпомиш, қабрингиз нурга тўлсин,  
Охирагингиз обод, жойингиз жаннат бўлсин.  
Дилларни ғамга кўмиб, букулди бир шамшод қад,  
Бир Алпомиш бемаҳал уйқуга кетди абад.

Дилдан ўчмас номингиз, унсиз фарёд этамиз,  
Тилга олиб ҳар доим номингиз ёд этамиз,  
Қуръон тиловот қилиб, руҳингиз шод этамиз.  
Дилларни ғамга кўмиб, букулди бир шамшод қад,  
Бир Алпомиш бемаҳал уйқуга кетди абад.

Бир кундаёк кайғудан оқарди соч толалар,  
Изингизда очилгай қирмиз чечак, лолалар,  
Юракдан олов бўлиб пуркалди бу ноалалар.  
Дилларни ғамга кўмиб, букулди бир шамшод қад,  
Бир Алпомиш бемаҳал уйқуга кетди абад.

## НА ФОЙДА

Юракдан ишқ оловин  
Ўчирмоқдан на фойда,  
Бошга қўнган бахт қушин  
Учирмоқдан на фойда.

Муҳаббатнинг боғида  
Қурилган ишқ касрини,  
Вайрона айлаб калбдан  
Қўчирмоқдан на фойда.

Висолнинг асал, шакар  
Шароби турган жойда,  
Ҳижроннинг аччиқ захрин  
Ичирмоқдан на фойда.





ЎСМА ЎПГАН ҚОШ

Ўсма қўяр эди нигорим,  
Бир-бирига қўшиб қошларни,  
Суртар эди хижрон онлари  
Кўзларимдан оққан ёшларни.

У эгилиб ўсма қўярди,  
Бир ўсма, бир ойнага караб,  
Менинг киприklarим уларни  
Астагина қўярди тараб.

Ўсма қўяр эди қошига,  
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён эгилиб,  
Нигоримнинг дилига пайванд,  
Дилим яна колди тугулиб.

Ўсма тўйиб ўпди қошларни,  
Қўнди икки эркатой қалам,  
Ўпди бармоқларим изини  
Дилимда бор ўсмага алам.

Ўсма қўяр эди нигорим,  
Бир-бирига қўшиб қошларни,  
Суртар эди хижрон онлари,  
Кўзларимдан оққан ёшларни.



## НАВРЎЗ КЕЛДИ

Қирларга қош бўлди камалак,  
Салом бериб яшнар ялпизлар,  
Толпопукдан тақиб жамалак,  
Наврўзга ноз ўргатар кизлар,  
Яна тоғлар бағри лолазор,  
Яна яшнаб келди гул баҳор.

Жилоланар қирмиз қизғалдоқ,  
Ифори барқ урган райҳонлар.  
Олам-чаман, уфқ-зарғалдоқ,  
Сақраб ўйнар сулув жайронлар,  
Наврўзга сир суйлар ҳар наҳор,  
Яна яшнаб келди гул баҳор.

Товланади чаман чечаклар,  
Димокларда сумалак иси,  
Капалаклар гулни кучоқлар,  
Гунчаларнинг хандон кулгиси.  
Ариларга гул бағри бозор,  
Яна яшнаб келди гул баҳор.

Наврўз келди навога тўлиб,  
Майсалар – ям-яшил поёндоз,  
Бинафшалар ўсмаси бўлиб,  
Гул баҳорни айлагай пардоз.  
Яна ҳар тун булбуллар бедор,  
Яна яшнаб келди гул баҳор.

Чаман юртим оламга кўз-кўз,  
Жамолига боқиб тўймайман,  
Гул юртимга ярашгай наврўз,  
Мадҳин куйлаб тилдан қўймайман.  
Яна гуллаб, яшнади диёр,  
Яна яшнаб келди гул баҳор.

## ОНАМ

Онам меҳрин зар-қуёшга ўхшатаман,  
 Сеҳр тўла бир наққошга ўхшатаман,  
 Манглайини ёқут тошга ўхшатаман,  
 Меҳри ботмас қуёш бўлиб ёнган онам.

Ширин жони жисмимга жон бўлиб қолган,  
 Юзларини юзим шундоқ узиб олган,  
 Оқ сутлари жамолимга жило солган,  
 Кўзларимга тўниб-тўниб қонган онам.

Ажинлари-юлган тирноқарим изи.  
 Тилимда бол бўлиб қолган асал сўзи,  
 Зулматни ой бўлиб ёритгайдир юзи,  
 Юзи осмонга ой бўлиб қўнган онам.

Жонгинамни пойларига тўкай тинмай,  
 Изларига чаман гуллар экай тинмай,  
 Бошим эгиб, коматимни букай тинмай,  
 Қалб-қўримда маржон бўлиб сингган онам.

Оқ юргакка қучиб, ўраб олган онам,  
 Кўзларимга нуру-гавҳар солган онам.  
 Дил-бағрини дил-бағримга белаб қўйиб,  
 Аллалари осмон бўлиб қолган онам.



## СЕВАСИЗМИ?

Нозу жилвалардан ҳеч бир тўясизми?  
Бир озгина ўз ҳолимга қўясизми?  
Ҳажрингизнинг оташида кўйдирасиз,  
Ўйилган бу қалбим яна ўясизми?

Ойга етар оҳим сизга етмай қолган,  
Ҳижрон аламлари дилдан кетмай қолган,  
Бу ишқ дардин яралари битмай қолган,  
Айтинг мени бир озгина сеvasизми?

Саҳроларда куйган менинг бағри-дилим,  
Бағри дилим бўлиб ётар тилим-тилим,  
Ҳасратимни айтиб адо қилмас тилим,  
Куйдириб сиз ҳам озгина куясизми?

Ҳажрингизда кумри мисол чекиб фиғон,  
Кеча-кундуз тикилади бўғзимда жон,  
Васлингизга етолмайин жигарим қон,  
Бизларга ҳам кулиб бир оз нясизми?

Нозу жилвалардан ҳеч бир тўясизми?  
Бир озгина ўз ҳолимга қўясизми?  
Ҳажрингизни оташига куйдириб сиз,  
Нур Бобонинг қалбин яна ўясизми?



## ОЙ ҚИЗЛАР

Сочларига жамалак,  
Тақиб олган ой қизлар.  
Жилваланиб дилларга  
Ёқиб қолган ой қизлар.

Оху кўзларингизга  
Соя солар киприклар,  
Куйдириб кўнгилларга  
Ғавғо солган ой қизлар.

Юзларингиз ёғдуси  
Ой зарига улашиб,  
Юзингиз акси кўкда  
Тўлин бўлган ой қизлар.

Бир-биридан бунчалар,  
Чехралари чиройли,  
Ойбарчиннинг ой юзи  
Сизга қолган ой қизлар.

Зулфингиз толаларин  
Силаб ўпса саболар.  
Қизариб сабони ҳам  
Силаб, тонган ой қизлар.



## КУЛИБ ЮРСА ОДАМЛАР

Қани эди ҳеч йиғламай, кулиб юрса одамлар,  
Дард чекмаса, куч қувватга тўлиб юрса одамлар.  
Дилдан шодлик аримаса, армонлари бўлмаса,  
Бир-бирларига меҳрибон бўлиб юрса одамлар.

Икки ёрнинг дил торлари узилмаса бир умр,  
Ҳаёт дафтари беҳуда чизилмаса бир умр,  
Муҳаббатнинг баланд кўшки бузилмаса бир умр,  
Гулшан ичра гуллар териб, елиб юрса одамлар.

Оналарнинг кўзларидан ҳеч қачон ёш оқмаса,  
Юракларни кайғу-алам ўти асло ёқмаса,  
Одам зоти бир-бирини чаён бўлиб чақмаса,  
Оналарни гултож айлаб олиб юрса одамлар.

Дўст, қариндош ўртасидан ҳурмат, иззат кетмаса,  
Қўлга асо тутмай умр поёнига етмаса,  
Ҳеч бир кимса ёмонликнинг кўчасидан ўтмаса,  
Яхшилиқни яхшиликка улаб юрса одамлар.

Кўнгил ярим бўлмай ҳеч ким, фарзандга зор бўлмаса,  
Ҳеч бир гўдак етим бўлмай хўрланиб, хор бўлмаса,  
Қўш қанотлар айрилмаса, бевафо ёр бўлмаса,  
Меҳр ила етим бошин силаб юрса одамлар.

Ҳар кулбанинг ёниб турган чироқлари ўчмаса,  
Ҳеч ким дилдан эзгуликнинг туморини ечмаса,  
Молу-давлат учун ҳеч ким дўстидан воз кечмаса,  
Турмуш тотув бўлиб, толе тилаб юрса одамлар.

## СЕН ОНАНГНИ ЙИҒЛАТСАНГ, АГАР...

Бошингга не келса балодир,  
 Бағри дилинг тўла яродир,  
 Икки дунё юзинг қародир.  
 Сен онангни йиғлатсанг, агар,  
 Сен отангни йиғлатсанг, агар.

Татимайди бир умр ошинг,  
 Маломатдан чиқмайди бошинг,  
 Аримайди кўзингдан ёшинг.  
 Сен онангни йиғлатсанг, агар,  
 Сен отангни йиғлатсанг, агар.

Кўл бўлади кўзда хуморинг,  
 Хазон бўлур умр чиноринг,  
 Буюрмайди ўзингга боринг.  
 Сен онангни йиғлатсанг, агар,  
 Сен отангни йиғлатсанг, агар.

Қирқга кирмай букилур қомат,  
 Юз ўгириб кетади омад,  
 Қотиб қолур дилда диёнат.  
 Сен онангни йиғлатсанг, агар,  
 Сен отангни йиғлатсанг, агар.

Хуш кўрмагай ғариб гадо ҳам,  
 Хуш кўрмагай ҳатто Худо ҳам,  
 Ялчимайди бир умр одам.  
 Сен онангни йиғлатсанг, агар,  
 Сен отангни йиғлатсанг, агар.

Бошингга не келса балодир,  
 Икки дунё юзинг қародир.  
 Нур Бобо дил- бағринг яродир.  
 Сен онангни йиғлатсанг, агар,  
 Сен отангни йиғлатсанг, агар.

МИР АЛИШЕР ЁНИДА

Ўзбекистон қаҳрамони,  
ҳалқ шоири А.Ориповга

Сиз назм майдонида --  
    Мир Алишер ёнида,  
Ғоз турарсиз шер бўлиб,  
    назми шеър майдонида,

Қалбингиз хуш най чалар,  
    зар ғазал-юлдузчалар,  
Порлагай Шамсу Камар  
    феруза осмонида.

Ҳар гулда япроғи бор,  
    ҳар дилда чақмоғи бор,  
Токи бир титроғи бор  
    ҳар чечакнинг жонида.

Иккинги сарбонисиз,  
    марварид маржонисиз,  
Шоҳисиз-Султонисиз,  
    бу назм карвонида.

Уфуриб ифорлари,  
    товланиб туморлари,  
Бўй чўзиб чинорлари  
    балқигай бўстонида.

То абад наволари,  
    зар сочар зиёлари,  
Ёғилур дуолари  
    икки шер достонида.



БЎЛГАНДАЙ

Қирда юрган гул қизми?  
Қир гуллола бўлгандай,  
Битта шу қирга тўлин  
Ой ҳавола бўлгандай.

Бол талашар чечаклар,  
Дудокларни кучоклар,  
Бол тўла бу дудоклар  
Лим пиёла бўлгандай.

Сочилмагай уёлиб,  
Шамсу Қамар шуъласи,  
Қирқ шаршара товланиб,  
Қир шалола бўлгандай.

Изларига бош кўйиб,  
Ўпиб кўяр майсалар.  
Қараб қолар ортидан,  
Ошиқ бола бўлгандай.

Ял-ял ёнок, ой ёнок,  
Ойдан ойдин ой бодок,  
Чаккасида ой балдоқ,  
Қир зилола бўлгандай.

Шу қирда мен ҳам қани  
Битта майса бўлсайдим,  
Бағрим ёнар ловиллаб  
Мисли лола бўлгандай.

Эгилади дам-бадам,  
Сутга чайилган бадан,  
Зар тўкилиб зулфидан,  
Қир зар тола бўлгандай.

Қирда юрган гул қизми?  
Қир гуллола бўлгандай,  
Битта шу қирга тўлин  
Ой ҳавола бўлгандай.

Қир тоққандай жамалак,  
Қошларида камалак,  
Қаранг қир мисли малак,  
Бир ҳилола бўлгандай.

АЙВОНГА ҚОШ – ҚАЛДИРҒОЧ

Офтоб тиғи ялтираб,  
Қорнинг бағрини ўйди,  
Қирга чиққан бойчечак  
Қишни йиғлатиб қўйди.

Турфа рангда товланиб,  
Гул чечаклар чак-чақлар,  
Кўкда қушлар нағмаси  
Қувончларни қучоқлар.

Ариқларнинг қошига  
Ўсма қўяр ялпизлар,  
Райхонлардан сирғалар  
Тақиб олди ҳур қизлар.

Гоҳи гилам, арғамчи  
Бўлиб ўтар турналар,  
Хушбўй ифор таралиб,  
Хуш дилларни тирналар.

Булбуллар тинмай тилар  
Атиргул бўйларини,  
Наволарга тўлдириб,  
Бошлайди тўйларини.

Қўниб олди эркалаб,  
Айвонга қош қалдирғоч.  
Наврўзи олам келди,  
Пешвоз чиқиб, қучоқ оч.

МЕНИНГ ХУШ ХАБАРИМ БОР

*Менга хуш хабар айт,  
Ёлгон бўлса ҳам...*

*А.Орипов*

Сиз “Менга хуш хабар айт”гил  
дегансиз, хуш хабарим бор:  
Сиз билан қирқ гулхан яна  
ёкмокқа шайдир қирқ баҳор.

Бу хабарни “Ҳисор”имдан,  
бағридаги баҳоримдан,  
Наволи бир наҳоримдан  
эшитдим, мен кезиб бедор.

Кувнок булбул айлаб наво,  
куну-тунлар айлар дуо,  
Кўкдан офтоб сочар зиё,  
кафтини тутгай лолазор.

Етмиш баланд давон ошиб,  
тушибди сочга оқ шошиб,  
Ҳали илҳомингиз тошиб,  
тақарсиз юртга қирқ гумор.

Ҳар байгингиз ҳар дилда ёд,  
кўнгилларни айлаб обод,  
Навоий руҳлари ҳам шод,  
баёзингиз бўлди гулзор.

Шабнамлари чак-чаклашар,  
гулга томиб чак-чаклашар,  
Туйғуларим кучоклашар,  
яшнар юртим, чаман бозор.

Кўйгансиз юртга дур туғиб,  
турар менинг дилим тегиб.  
Шукур дейман бошим эгиб,  
Нур Бободирман хокисор.

## БИЛАРСАН БИР КУН

Фарзанд кўриб, ўстирсанг уни,  
Бағрингга бир боссанг ҳар куни,  
Мўмин инсон унутма шуни,  
Ота қадрин биларсан бир кун.

Йўлларига кўзларинг тўнса,  
Дилда соғинч алами унса,  
Сочингга оқ толалар қўнса.  
Она қадрин биларсан бир кун.

Елкадошинг бўлмаган кунлар,  
Ўзингни хор айласа кимлар,  
Бедор ўтса, хўрланиб тунлар,  
Оға қадрин биларсан бир кун.

Ғар мусибат тушиб бошингга,  
Дўстларинг йўқ бўлса қошингда,  
Таъм бўлмаса еган ошингда,  
Дўст қадрини биларсан бир кун.

Нур Бобо, сен бўлсанг мусофир,  
Ўзлигингни бил, бўлма кофир,  
Элсизларнинг пешонаси шўр,  
Эл қадрини биларсан бир кун.



## ОДАМЛАР БОР...

Одамлар бор-булбул наволар,  
Тилдан тўкканлари дуолар.

Одамлар бор алкаб юради,  
Одамлар бор қарғаб юради.

Одамлар бор чакар чаёндир,  
Топганлари кони зиёндир.

Одамлар бор одамни чўқир,  
Бош кўтармай бўҳтонлар тўқир.

Одамлар бор-кўролмай куяр,  
Билдирмасдан кўзингни ўяр.

Одамлар бор кулар устингдан,  
Ажратишиб ёру-дўстингдан.

Одамлар бор етим боқади,  
Меҳри дарё бўлиб оқади.

Одамлар бор тузингни ебон,  
Тузлуғингга тупурар шу он.

Одамлар бор етим ҳакин еб,  
Ўзларига берадилар зеб.

Одамлар бор бошингни силаб,  
Ғамингни ер, умрингни тилаб.

Одамлар бор ҳавас қилади.  
Одамлар бор ҳасад қилади.



Одамлар бор тулки мисоли,  
Маймун мисол уларнинг холи.

Одамлар бор тирикда ўлик,  
Одамлар бор ўлса-да тирик.

Одамлар бор гўёки куёш,  
Одамлар бор қўли гул, наққош.

Одамлар бор қалби пок ҳалол,  
Одамлар бор булоқдай зилол.

Одамлар бор боладан безор,  
Одамлар бор бир тирноққа зор.

Сиз меҳрга йўл очиб яшанг,  
Эзгуликка поёндоз тўшанг.

Кўнгилга гул сочинг кулгани,  
Бўлсангиз бас инсон бўлгани.



## ДАРЁЛАР

Орол бағри ташна дарё сувига,  
 Бутоклари зордир булбул куйига,  
 Қахат меҳмон балиқларнинг “уй”ига,  
 Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Ниманидир какшатади бу дунё,  
 Ўрмон ёнар, қуриб қолар ё дарё.  
 Қайга оқдинг Аму дарё, Сирдарё?  
 Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Қўкдан қуёш бағринга ўт ёқади,  
 Икки дарё кўз ёшидай оқади.  
 Орол тинмай булутларга боқади,  
 Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Қирғоғингдан учиб кетган какликлар,  
 Тоғдан туриб кўз ёш тўқар кийиклар,  
 Қани энди овга чикқан қайиклар?  
 Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Ухлаб ётар ғоз овлаган камонлар,  
 Қумга тўлган сув қалқиган томонлар,  
 Қани ўша балқиб ётган уммонлар,  
 Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Қуриб қолди қамиш ўсган ўрмонлар,  
 Безиб кетди кўйлар боққан дўрмонлар.  
 Қоплаб олди тўзон бўлиб армонлар.  
 Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Кундан-кунга ҳавзангни қум сурмоқлар,  
Қуриётир сув талашиб ирмоқлар,  
Қақшаб ётар сувни кучган қирғоқлар,  
Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Тўлқинларни сурмоқлаган сув қани?  
Қирғоқларга қочоқлаган сув қани?  
Қайиқларни кучоқлаган сув қани?  
Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Уммонингни тақдир тортиб олдим?  
Қисмат келиб сенга чангал солдим?  
Оққушларнинг кўз ёшлари қолдим?  
Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Эй дарёлар, оқинг Орол томонга,  
Кулгич қилманг бизни яхши, ёмонга,  
Бағринг тўлсин қайта ўша уммонга,  
Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.

Орол бағри ташна дарё сувига,  
Бутоқлари зордир қушлар куйига,  
Қаҳат меҳмон балиқларнинг “уй”ига  
Қирғоқлардан тошиб оқинг дарёлар.





## ТОНГ

Оқармоқда осмон, ғубор йўк,  
Кумуш рангда товланар уфк.  
Чуғурлашиб кушлар урар бонг,  
Ясанади шафақ отган тонг.

Савлат тўкар қадди юксак тоғ,  
Тонгга кулиб очмоқда кучоқ.  
Ғавғо килиб тунни қувар тонг,  
Ясанади шафақ отган тонг.

Гулни ўпар шабнаб ялтираб,  
Бекинмоқда юлдуз милтираб.  
Шуъла йигар қир ортида ой,  
Ясанади шафақ отган тонг.

Асалари гулга дугона,  
Энди зулмат сойга бегона.  
Укку кушнинг холи бўлди танг,  
Ясанади шафақ отган тонг.

Капалаклар учар дарбадар,  
Йулбарс ухлар оқшомга қадар,  
Керишади кийиклар сатанг,  
Ясанади шафақ отган тонг.

Соч ёймоқда қувониб куёш,  
Чўққиларга қўйиб заррин қош,  
Ялтирайди тоғда зарҳал “чанг”,  
Ясанади шафақ отган тонг.

Ранг талашар жонсарак фалак,  
Қир бошида оппоқ камалак.  
Бошланмоқда янги бир оҳанг,  
Ясанади шафақ отган тонг.

## ШОҲ БОБУРСАН

Бобур сени айирдилар диёрингдан,  
Айирдилар гулзорингдан, гул ёрингдан,  
Тутун чиқар ханузгача мозорингдан,  
Андижондан айри бўлган шоҳ Бобурсан.

Аҳли шоир даврасидан маҳрум бўлиб,  
Самарқандни ғаним олди сендан юлиб,  
Туркистондан кетар бўлдинг багринг тилиб,  
Сен Туронни соғинтирган шоҳ Бобурсан.

Алам дарди қарвониға бўлиб ҳамроҳ,  
Қай маконга борарини билмасди шоҳ,  
Тополмайин ўз юртидан бирор паноҳ,  
Андижонни соғинтирган шоҳ Бобурсан.

Оқ лайлақлар ҳар йил додинг олиб келар,  
Хуморингни, фарёдингни олиб келар,  
Қанотиға гул тожингни олиб келар,  
Андижонни соғинтирган шоҳ Бобурсан.

Ёдлаб юргум Бобур ёзган ҳар ғазални,  
Йиғлаб қўйгум ёдга олсам у маҳални.  
Олиб келсам дейман Ҳинддан Тожмаҳални,  
Соғинтирган бизнинг шоир, шоҳ Бобурсан.

Бобур сени айирдилар диёрингдан,  
Айирдилар Туркистондай гулзорингдан,  
Дуд чиқади ханузгача мозорингдан.  
Туркистонни соғинтирган шоҳ Бобурсан.

## УШЛОЛМАДИНГ ТОҲИРНИ

Зухра, Тоҳир сендан адашиб қолди,  
 Тақдир уни тилла сандикқа солди,  
 Муҳаббатни дарё бағрига олди,  
 Ушламадинг сувга оққан Тоҳирни.

У қатланиб сандик ичра ётарди,  
 Тўлқин уни қирғоқларга отарди,  
 Сандик қалқиб-қалқиб сувга оқарди,  
 Ушламадинг сувга оққан Тоҳирни.

Тоҳир эмас, ишқинг оқди Зухраой,  
 Муҳаббатинг – бахтинг оқди Зухраой,  
 Тахтинг оқди, аҳдинг оқди Зухраой,  
 Ушламадинг сув оққан Тоҳирни.

Тоҳир оқди сандиғи бир ён бўлиб,  
 Оқиб кетди Зухрасиз гирён бўлиб,  
 Зухра қолди юрак-бағри қон бўлиб,  
 Ушлалмади Зухра оққан Тоҳирни.



ДУЛАНА

Дўлана, гулингга  
Ҳавасим келди,  
Шохингга осилсам,  
Тиконинг бор-да.  
Хабаринг йўк, менинг  
Бағрим ўйилди,  
Кўнглимни қолдирган  
Бевафо ёр-да.

Шамолдан эгилиб  
Койийсан, куйиб,  
Дейсанки: севганинг  
Ёнига бор-да,  
Ёнига борардим,  
Мен сени қўйиб,  
У ёрдан дил пора,  
Кўнглим озорда.

Дўлана ўзингга  
Ҳавасим келар,  
Шохингга осилсам  
Тикони бор-да,  
Билмайсан, бағримни  
Нимадир тилар...  
Қалбимни куйдирган  
Бевафо ёр-да.

Сенда ҳам муҳаббат  
Савдоси бор-да,  
Кўксингни силамай  
Ўтгим келмайди,  
Яйрайсан, яшнайсан,  
Бағринг баҳор-да,  
Сени ташлаб асло  
Кетгим келмайди.

Дўлана шохингга  
Ҳавас қиламан,  
Уни ушлай десам  
Тикони бор-да.  
Ёнингга сув каби  
Оқиб келаман,  
Қошонанг тиканли  
Чакалакзор-да.

## МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОНИМ .....	4
ШУКУР ҚИЛ .....	5
ЙИГИТНИНГ .....	6
ОТА-ОНАНГНИ .....	7
АЙЛАНАЙ ЎЗИМ .....	9
ЭЙ, ДЎСТИМ .....	8
БИЗГА БОҚМАЙДУР .....	10
ДИЛИМ ЙЎҚ БЕВАФОЛАРГА .....	11
СУНБУЛИМ БЎЛСАНГ .....	12
ЯХШИДИР .....	13
БЕВАФО ЭКАН .....	14
БОЛАМ ДЕБ .....	15
ЭЙ ТИЛ .....	16
НОДОН .....	16
СУЛУВ .....	17
СЕВМАСАНГИЗ-ЧИ .....	18
ЯШАЙДИ ҚАЛБИМ .....	19
ТАННОЗЛАР .....	20
ЁНАР ҚИЗГАЛДОҚ .....	21
ЙИҒЛАМАЙМАН-ДА .....	25
ЮЗИНГИЗДАН ЁҒАР ШИРМОНЛАР .....	26
СИЗ БИРАМ ШИРИН .....	27
ҚАДРИНИ БИЛ .....	28
БУ ЁРУҒ ДУНЁ ШИРИН .....	29
ҚОЛИБ КЕТДИМ МАН .....	30
УМР БУ .....	31
КЕЛСИН .....	32
КУЛИШЛАРИНИ .....	33
ОЙ ЧЎМИЛАР КЎЗИН ЁШИГА .....	34
ГУЛ БАҲОР .....	35
КЕТДИМ .....	36
БУ ДУНЁ АЛДАБ .....	38
ТҮЙЛАР ГЎЗАЛ .....	39
БЎЛМАС .....	40
АЛВОН ОЛМА .....	41
ТОНМОҚДАСИЗ .....	42
ҲУР ҚИЗ .....	43
ҚИРДАГИ ҚИЗ .....	44

АНДАЛИБ НАЙИН ЧАЛАР .....	45
ЕТИМ ҚИЗ.....	47
ОТАНГ ҚАДРИНИ БИЛ .....	49
ҚИЗЛАРНИНГ .....	50
ЮЛДУЗЛАР.....	51
ВАТАН.....	51
НИДО .....	52
ТИЛГА ЭРК БЕРСАНГИЗ.....	54
ТИЛАК.....	55
ТИЛЛО ҚИЗИ .....	56
ЎТКИНЧИ ДУНЁ .....	58
АЛАМ .....	59
СОҒИНТИРДИНГ .....	60
ОТА-ОНАНГ ХОР АЙЛАСАНГ.....	61
ВИСОЛ.....	62
СИЗНИ ҚАНДАЙ ЭРКАЛАЙ .....	63
ОЙПАРИ.....	64
КЎЗЛАРИМДА КУЯР ХУМОРИМ.....	65
ОНАЖОНИМ .....	66
БАҲОР БЕЗАКЛАРИ .....	67
КЕЛАҚОЛ, БАҲОР.....	69
КЎКСИМДАГИ ГҮЛ .....	71
ЯНГИ ЙИЛ .....	72
САЙРА БУЛБУЛЖОН .....	73
ОВОРАМАН .....	75
ЙЎЛИҚДИМ .....	77
БАХТ ДЕГАНИ .....	78
СУЛУВ ҚИЗ.....	79
ЁҚУТ ЮЛДУЗЛАР .....	80
БЕГИМ .....	81
ШУКРОНАЛИК.....	82
КОШОНАМГА ҚЎЯЙ ТИЛЛА ҚОШ.....	83
ОШНОМАН.....	84
ТИНИҚ ТОНГ .....	85
ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ.....	86
БИР АЛПОМИШ .....	87
НА ФОЙДА.....	88
ЎСМА ЎПГАН ҚОШ.....	89
НАВРЎЗ КЕЛДИ.....	90
ОНАМ .....	91



СЕВАСИЗМИ?.....	92
ОЙ ҚИЗЛАР.....	93
КУЛИБ ЮРСА ОДАМЛАР.....	94
СЕН ОНАНГНИ ЙИҒЛАТСАНГ, АГАР.....	95
МИР АЛИШЕР ЁНИДА.....	96
БЎЛГАНДАЙ.....	97
АЙВОНГА ҚОШ-ҚАЛДИРҒОЧ.....	98
МЕНИНГ ХУШ ХАБАРИМ БОР.....	99
БИЛАРСАН БИР КУН.....	100
ОДАМЛАР БОР.....	101
ДАРЁЛАР.....	103
ТОНГ.....	105
ШОҲ БОБУРСАН.....	106
УШҚОЛМАДИНГ ТОҲИРНИ.....	107
ДЎЛАНА.....	108



# ТҒАЙ ҒАТБЕЛДОИ

Заманимизда ҳаётнинг қатъий қоидалари  
қатъий қоидаларга айланди. Ҳар бир  
қилмишнинг ўзи билан қатъий қоидалар  
билан боғлиқ бўлиши керак.

Қаҳридоннинг қатъий қоидалари

Қаҳридоннинг қатъий қоидалари  
қатъий қоидаларга айланди. Ҳар бир  
қилмишнинг ўзи билан қатъий қоидалар  
билан боғлиқ бўлиши керак.

Қаҳридоннинг қатъий қоидалари

Қаҳридоннинг қатъий қоидалари  
қатъий қоидаларга айланди. Ҳар бир  
қилмишнинг ўзи билан қатъий қоидалар  
билан боғлиқ бўлиши керак.



Нур Бобо

# ЁҚУТ ЮЛДУЗЛАР

(Шеърлар тўплами)

*Мухаррир:* А. Абдужалилов  
*Техник муҳаррир:* Ю. Ўринов  
*Мусахҳиҳа:* И. Захидова  
*Бадий муҳаррир:* Н. Мухаммедова

Нашр.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теритсга 02.02.2018 йилда топширилди. Босишга  
23.03.2018 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 <sup>1/16</sup>.  
Офсет босма. Таумс гарнитураси. Шартли б.т. 7,0  
Нашр б.т. 6,51. Адади: 1400 нусха. Буюртма №18.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МСНҲ босмаҳонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95



Бобомуродов Нурбобо 1955 йилда Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги Алматы қишлоғида туғилган. 1980 йилда Тошкент Давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ)нинг математика факультетини тамомлаган. Шахрисабз туманидаги 49-ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Унинг «Долazorга стаклаи сени» (2009 й.), «Қишлоғим» (2011 й.) шеърлий тўпламлари чоп этилган.



**«Sano-standart»  
нашриёти**

ISBN 978-9943-5202-6-4



9 789943 520264